

MILLIY ARMIYAMIZ YANGI O'ZBEKISTONNING MUSTAHKAM QALQONIDIR!

VATANPARVAR

● Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqa boshlagan ● 2023-yil 17-mart, №11 (3022)



BIZ
HAQIMIZDA

@ vatanparvar-bt@umail.uz

facebook.com/mudofaavazirligi

t.me/mv_vatanparvar_uz

instagram.com/mudofaavazirligi

t.me/mudofaavazirligi

youtube.com/c/uzarmiya

IJTIMOIIY-SIYOSIIY, MA'NAVIY-MA'RIFIY, HARBIY-VATANPARVARLIK GAZETASI



8-9

O'ZBEK—HIND
o'quv mashg'ulotlari
yakuniga yetdi

www.mv-vatanparvar.uz



4-5

OLIIY BOSH QO'MONDON
QO'SHINLARNING TAKTIK O'QUVINI KUZATDI



18 O'ZBEKCHA
DUEL



Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ф А Р М О Н И

Ватан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида

Ватан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар оила аъзолари ҳамда уларнинг қарамоғидаги шахсларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга ғамхўрлик қилиш ва ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, шунингдек, жамиятда эзгулик, ҳамжиҳатлик ва инсонийлик муҳитини янада мустаҳкамлаш мақсадида:

1. Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Божхона қўмитаси ва Электрон технологияларни ривожлантириш марказининг (кейинги ўринларда – масъул вазирлик ва идоралар) Ватан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида яраланганлиги, контузия ёки майиб бўлганлиги оқибатида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилари ва ходимларининг оила аъзолари ҳамда уларнинг қарамоғидаги шахсларга (кейинги ўринларда – ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар (ходимлар) куйидаги **имтиёз ва кафолатлар** берилсин:

а) **2023 йил 1 апрелдан бошлаб:**

ҳалок бўлган ҳарбий хизматчи (ходим) оила аъзоларига бирийўла бериладиган нафақа марҳумнинг охириги эгаллаган лавозими бўйича маоши ва ҳарбий (махсус) унвони маоши йиғиндисининг **150 баравари** миқдоридан белгилансин;

ҳарбий хизматчиларнинг (ходимларнинг) давлат мажбурий шахсий суғуртаси доирасида ҳарбий хизматчи (ходим) ҳалок бўлганда тўланадиган суғурта суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг **200 баравари** миқдоридан белгилансин;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига улар томонидан белгиланган миқдорларда (меҳнатга ҳақ тўлаш энг кам миқдорининг 50 фоизигача бўлган суммадан ошмаган ҳолда) маҳаллий бюджетларнинг қўшимча манбалари ҳисобидан ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг (ходимларнинг) тегишли ҳудудда истиқомат қилувчи оила аъзоларига **ҳар ой тўланадиган нафақа** тайинлаш тартибини белгилаш ҳуқуқи берилсин;

б) **2023 йил 1 майдан бошлаб:**

оиланинг меҳнатга лаёқатсиз ҳар бир аъзосига боқувчисини йўқотганлик пенсияси пенсияни ҳисоблаб чиқиш учун олинадиган пул таъминотининг (иш ҳақининг) **50 фоизи** миқдоридан белгилансин;

оила аъзолари (ота-онаси, турмуш ўртоғи, 23 ёшга тўлмаган фарзандлари) даромадлар қайси ойда олинган бўлса, ўша ойда ҳар бир ой учун меҳнатга ҳақ тўлаш

энг кам миқдорининг **3 баравари** миқдоридан даромадлар бўйича жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғидан озод этилсин; белгиланган тартибда тураржойга муҳтож деб тан олинган тақдирда, тураржой билан **биринчи навбатдаги тартибда** таъминлансин;

қонунчиликда белгиланган ҳарбий хизматчиларга (ходимларга) тураржой сотиб олиш (қуриш) учун узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитлари бериш тартибига мувофиқ **узоқ муддатли имтиёзли ипотека кредитларини олиш ҳуқуқи** сақлаб қолинсин;

ҳалок бўлган ҳарбий хизматчининг (ходимнинг) янги никоҳга кирмаган турмуш ўртоғи ва (ёки) ҳарбий хизматчининг (ходимнинг) қарамоғида бўлган ота-онасидан бирига Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларининг ҳарбий хизматчиларига тураржойни ижарага олганлик (ижарада турганлик) учун **ҳар ойлик пул компенсациясини тўлаш тартиби татбиқ этилсин** (мулкида тураржой бўлмаган тақдирда).

2. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ **2023 йил 1 июндан бошлаб:**

а) ҳалок бўлган ҳарбий хизматчининг (ходимнинг) фарзандлари мактабгача таълим муассасаларида **бепул тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи** сақлаб қолинади, шунингдек, профессионал ва олий таълим муассасаларида **давлат гранти асосида қўшимча квоталар** бўйича таълим олиши таъминланади;

б) ҳалок бўлган ҳарбий хизматчининг (ходимнинг) ота-оналарига йилига икки марта **темир йўл ва ҳаво йўловчилар транспортдан бепул фойдаланиш ҳуқуқи** берилади;

в) ҳалок бўлган ҳарбий хизматчининг (ходимнинг) оила аъзоларига:

ушбу ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар (ходимлар) хизматни ўтаган масъул вазирлик ва идораларнинг тиббиёт муассасаларида **бепул тиббий ёрдам олиш ҳуқуқи** сақлаб қолинади, шунингдек, тиббий ёрдамнинг кафолатланган ҳажмлари доирасида тиббий ёрдамни **устувор равишда** олиш ва **навбатдан ташқари** шифохонага ётқизиш имконияти яратилади;

юқори технологик ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатувчи тиббиёт ташкилотлари томонидан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **бепул тиббий ёрдам** кўрсатилади;

навбатдаги йиллик меҳнат таътилидан **қулай вақтда** фойдаланиш, шунингдек, йилига **икки ҳафтагача муддатга** иш ҳақи сақланмайдиган **қўшимча таътил олиш ҳуқуқи** берилади.

3. Масъул вазирлик ва идоралар Давлат бюджетидан уларга ажратилган маблағлар ва бюджетдан

ташқари манбалари ҳисобидан ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар (ходимлар) оила аъзолари учун уларнинг мурожаатларига асосан куйидагиларни таъминласин:

Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги **санаторий-курорт муассасалари** ва **болаларни соғломлаштириш оромгоҳларида** йилига бир марта бепул соғломлаштириш;

шифокорларнинг рецептларига асосан 3 ойлик эҳтиёждан келиб чиқиб **дори воситаларини** (йилига бир марта), **тиббий ва махсус протез-ортопедия мосламаларини олиб бериш ҳамда жарроҳлик амалиётларининг** харажатларини қоплаш;

оғир ташхисли касалликлари ҳамда **ногиронлиги** бўлганларга шифокорларнинг рецептларига мувофиқ, йилига бир марта дори воситаларининг **50 фоизигача бўлган суммасини** компенсация қилиш.

4. Ушбу Фармонда (1-банд «а» кичик бандининг иккинчи ва учинчи хатбошиларида ташқари) белгиланган имтиёз ва кафолатлар **1991 йил 1 январдан бошлаб** мазкур Фармон **кучга киргунга қадар** ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар (ходимлар) оила аъзоларига нисбатан ҳам татбиқ этилсин.

5. Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Божхона қўмитаси ва Электрон технологияларни ривожлантириш маркази ҳар бир ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар (ходимлар) оиласини **оталиққа** олсин.

Бунда:

ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг (ходимларнинг) оила аъзоларидан **хабар олиниши**, уларнинг уй-жой билан таъминланиш, ишга жойлашиш, таълим олиш, тиббий ва ижтимоий хизматлардан фойдаланиш ҳамда бошқа долзарб масалалари **ўрганилиши қилиниши**, мазкур Фармон ва бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган **имтиёз ҳамда кафолатлардан фойдаланишда амалий ёрдам** кўрсатиб борилиши таъминлансин;

масъул вазирлик ва идораларнинг **биринчи раҳбарлари** мазкур бандда белгиланган вазифаларнинг сифатли бажарилишига шахсан жавобгар этиб белгилансин;

масъул вазирлик ва идораларда умумий штатлар сони доирасида уларнинг биринчи раҳбарларига мазкур бандда белгиланган вазифаларни бажаришга кўмаклашадиган **маслаҳатчи** лавозими киритилсин ва ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг (ходимларнинг) оилалари билан доимий алоқани ўрнатиш учун

ишонч телефонлари ишга туширилсин;

мазкур банд ижроси натижалари тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясига ҳар ойда **ахборот** киритиб борилсин.

6. Мудофаа вазирлиги Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардия, Давлат хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда бошқа ташкилотлар билан биргаликда **ишчи гуруҳлар** тузган ҳолда:

икки ой муддатда мазкур Фармоннинг 1, 2 ва 3-бандларида назарда тутилган **ҳар бир имтиёз ва кафолатни тақдим этиш тартибини** белгиловчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини;

2023 йил 1 декабрга қадар «Фахрийлар тўғрисида» ги, **«Ҳарбий хизматчилар мақоми ва уларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»** ги ва **«Ҳарбий хизматчиларнинг пенсия таъминоти тўғрисида»** ги қонун лойиҳаларини ишлаб чиқиб, Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

7. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги мазкур Фармон ижросини таъминлаш учун 2023 йилда вазирлик ва идораларга Давлат бюджетидан зарур маблағларни ажратсин, 2024 йилдан бошлаб Давлат бюджети параметрларини шакллантиришда зарур маблағларни назарда тутсин.

8. Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида ушбу Фармоннинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти кенг ёритилишини таъминласин.

9. Мазкур Фармон ижросини самарали ташкил қилишга масъул ва шахсий жавобгар этиб мудофаа вазири Б.Н. Курбанов, ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов, Давлат хавфсизлик хизмати раиси А.А. Азизов, Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати раиси А.А. Усманов ва Миллий гвардия қўмондони Р.М. Джурраев белгилансин.

Мазкур Фармон ижросини ҳар чорақда муҳокама қилиб бориш, ижро учун масъул идоралар фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши котиби В.В. Махмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2023 йил 13 март

АХЛОҚИЙ-РУҲИЙ ТАЙЁРГАРЛИК, ЖАНГОВАР РУҲ ОШАДИ



**Генерал-майор
Ҳамдам ҚАРШИЕВ,
Мудофаа вазирининг
ўринбосари**

– Давлатимиз раҳбари, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони томонидан Ватан ҳимоясида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш мақсадида қабул қилинган «Ватан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармон мамлакатимизда инсон қадри, инсонни эъзозлаш энг асосий масала эканлигининг яққол ифодаси бўлди.

Президентимиз Олий Мажлис ва халқимизга йўллаган Мурожаатномасида «Аввал – инсон, кейин – жамият ва давлат» деган ғояни илгари сурган эди. Ана шу ғояни ўзида мужассам этган мазкур фармон мустақиллигимизни, халқимизнинг тинч ва осойишта ҳаётини ҳимоя қилиш йўлида жонфидо этган мард ва жасур ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларини ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга хизмат қилади.

Жумладан, фармон билан ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзоларига бирйўла бериладиган нафақа миқдори оширилди. Бепул тиббий хизмат кўрсатиш, тиббий мосламалар ва дори-дармонлар билан таъминлаш, санаторийларда соғломлаштириш белгиланди. Уй-жойга муҳтож оилаларнинг, биринчи навбатда, тураржой билан таъминланиши кафолатланди. Шунингдек, ҳар бир оила тегишли

вазирлик ва идоралар томонидан оталиққа олиниши белгиланди.

Ҳозирги кунга қадар Ватан ҳимояси йўлида ҳалок

бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича аниқ бир тизим бўлмагани боис, бу ишлар фақатгина давлат байрамлари арафасида асосан ҳарбий хизматчилар ва маҳаллий ҳокимликлар томонидан амалга ошириб келинган. Эндиликда мазкур фармон билан тегишли вазирлик ва идораларга, маҳаллий ҳокимликлар ва кенг жамоатчилик олдига аниқ вазифалар белгилашиб, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар оилаларининг ижтимоий ҳимоя тизими кучайтирилди.

Кейинги 5-6 йил ичида Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондонининг ташаббуси билан мустақиллик йилларида Ватан ҳимояси йўлида ўз жонини фидо қилган ҳарбий хизматчиларнинг номларини абадийлаштириш мақсадида 53 нафар қаҳрамоннинг ўзлари ўқиган мак-

табларида бюстлари ўрнатилди. Бундан ташқари, республикамиздаги барча мактабларда, ҳарбий қисмларда, ҳарбий таълим муассасаларида ҳам уларнинг қаҳрамонликлари акс этган хотира бурчаклари ташкил этилди.

Бугун ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзолари давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган юксак эътибор ва ғамхўрликни чуқур ҳис этмоқда.

Президентимиз, халқимиз ва жамиятимизнинг бундай қўллаб-қувватлашларини ҳис этган ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий тайёргарлиги ва жанговар руҳи ошадди, Ватан ҳимояси йўлида ўз жонини фидо этишга тайёр бўлади.

Биз, Президентимизнинг мазкур фармонлари моҳиятини барча шахсий таркибга етказамиз, унинг тўлақонли ижросини таъминлаймиз.



ЭЗГУЛИК ВА ИНСОНИЙЛИК МУҲИТИНИ МУСТАҲКАМЛАЙДИ

– Мазкур фармон тинч ва осойишта ҳаётимизни, мустақиллигимизни ҳимоя қилиб, ўзининг ширин жони эвазига барқарор тараққиётни таъминлаган қаҳрамон йигитлар, мард ва жасур ҳарбий хизматчилар руҳини шод этиш, хотирасини абадийлаштиришга ҳамда уларнинг оила аъзоларини моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

Қуролли Кучлар, хусусан, Мудофаа вазирлиги тизимида шу пайтгача маҳаллий ҳокимликлар билан ҳамкорликда амалга оширилган бу каби ишлар ушбу фармон билан қонуний асосга эга бўлиб, уларнинг қамрови янада кенгайди. Фармонда белгиланган бир қатор имтиёз ва кафолатлар Ватан мард ва фидойи фарзандларини ҳеч қачон унутмаслигидан далолатдир.

Ушбу фармон билан амалга ошириладиган тадбирлар ёшларимизни ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг она юртга меҳри ва садоқатини ошириш билан бирга жамиятда эзгулик, ҳамжиҳатлик ва инсонийлик муҳитини янада мустаҳкамлайди.

Давлатимиз раҳбари, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони вилоятларга ташрифлари давомида доимий равишда ҳарбий объектлар, полигонлар, ўқув базалари билан танишиб, ҳарбийлар билан суҳбат олиб бордилар. Бу учрашувлар, албатта, юрт ҳимоясида турган йигитларнинг руҳини кўтариб, уларга куч-қувват бағишламоқда.



**Полковник
Искандар МАЛЛАЕВ,
Мудофаа вазирлиги
Тарбиявий ва мафкуравий
ишлар бош бошқармаси
бошқарма бошлиғи**

Кейинги йилларда миллий армиямизда ўтказилаётган ислохотлар туфайли Қуролли Кучларимиз жонажон Ватанимизнинг хавфсизлиги ва ҳудудий яхлитлигини ҳар томонлама таъминлашга қодир даражага етди. Бунда, ҳеч шубҳасиз, Ватан тинчлиги йўлида қаҳрамонларча ҳалок бўлган дўстларимиз, қуролдошларимиз, фидойи ўғлонларнинг ҳиссаси бекиёс. Уларнинг жасорати, қаҳрамонликлари ҳамиша ёдимизда.

ФИДОЙИЛИК УНУТИЛМАЙДИ

– Узоқ йиллардан бери ҳарбийларнинг оилалари билан ишлаб келаман. Президентимизнинг мазкур фармонини ўқиб, энг аввало, кўз олдимга Ватан тинчлиги, юрт фаровонлиги йўлида ширин жонини фидо қилган қаҳрамон ҳарбийларимизнинг мунис ва мўътабар ота-оналари, мушфиқ рафиқалари ҳамда азиз фарзандлари келди. Бу каби юксак эътибордан уларнинг кўнгли қанчалик кўтарилишини аниқ-тиниқ тасаввур қилдим. Чунки шундай оилалар борки, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчиларимиз уларнинг ёлғиз боқувчиси, суянчиғи бўлган. Моддий таъминотни қўя турайлик, бу ерда энг асосий масала – маънавий қўллов турибди. Демак, бу юрт учун ўзингни бахшида этсанг, борингни берсанг, хизматларинг беиз кетмас экан, деган эзгу фикр юзага чиқяпти.

Ватан учун жонфидо этган қаҳрамонларимиз фарзандлари ичида ҳарбийлик касбини танлаган, шу соҳада хизмат қилиб келаётган йигитлар бор. Бу ҳам мамлакатимизда элу юрт тинчлиги, фаровонлиги учун қилинган хизмат ҳеч қачон бесамар кетмаслиги, ўз қадрини топишидан далолатдир.

Шу пайтгача олиб борган ишларимизни тизимли, тартибли ва қонуний асосда давом этти-



**Зулфия МАНСУРОВА,
Мудофаа вазирлиги
хотин-қизлар ва ҳарбий
хизматчилар оила
аъзолари билан ишлаш
бўйича бош мутахассис**

ришимизда мазкур фармон дастуриламал бўлиб хизмат қилади. Чунки бу ҳарбий хизматчиларга давлат ва давлат раҳбари даражасидаги эътибор ҳамда ғамхўрликдир. Албатта, бу каби хайрли ва эзгу амаллар боис муқаддас бурч йўлида жонфидо этган эр йигитлар руҳи шод, хотираси абадий, оила аъзоларининг ярим кўнгли бут бўлади.



ОЛИЙ БОШ ҚЎМОНДОН ҚЎШИНЛАРНИНГ ТАКТИК ЎҚУВИНИ КУЗАТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ҳудудларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан танишиш мақсадида жорий йил 13 март куни Сурхондарё вилоятида бўлди.



Давлатимиз раҳбари ташрифи давомида вилоятдаги ҳарбий объектларда бўлди ҳамда Жануби-ғарбий махсус ҳарбий округ «Термиз» дала-ўқув майдонида Мудофаа вазирлиги қўшинларининг бригада тактик ўқувини кузатди.

Сўнгги йилларда Қуролли Кучларимиз тубдан ислоҳ қилиниб, қўшин турларининг қўлланилиш тактикаси ва стратегияси такомиллаштирилди. Бўлинмаларнинг ҳамкорлигини ташкил этиш, жанговар ҳаракатлар ва операцияларни учувчисиз учиш аппаратлари, авиация ва артиллерия имкониятларидан кенгроқ фойдаланган ҳолда олиб

боришнинг замонавий тажрибаси амалиётга жорий этилди.

Хусусан, бу жараён гуруҳ, взвод ва бригада тактик ўқувларида топириқларни бажариш, қурол-яроғ ва ҳарбий техниканинг энг замонавий намуналарини қўллаш, авиация ёрдамида умумқўшин бўлинмаларига мадад бериш, ўтиш қийин бўлган тоғли ва чўл ҳудудларида, шаҳар шароитларидаги махсус операциялар, бўлинмаларни эвакуация қилиш каби машқларда ўз аксини топмоқда.

Ушбу машғулотлар жаҳонда кузатилаётган ҳарбий ҳаракатлар хусусиятидан келиб чиққан ҳолда ўтказилди.





Президентимиз ташаббуси билан сўнгги олти йил давомида Мудофаа тизимидаги барча дала-ўқув майдонлари, ҳарбий қисм ва муассасаларда халқаро талаблар асосида қурилиш ва таъмирлаш, замонавий воситалар билан жиҳозлаш ишлари олиб борилди.

«Термиз» дала-ўқув майдонида ҳам Қуролли Кучлар шахсий таркибининг дала шароитида жанговар билим, кўникма ва руҳий тайёргарлигини ошириш, бригада тактик ўқувларни ўтказиш ҳамда ҳарбий санъат соҳасида изланишлар олиб бориш, шахсий таркибнинг жанговар тайёргарлигини

оширишга қаратилган энг илғор шароитлар яратилди.

Президентимиз дунёда ахборот хуружи тобора авж олаётган бугунги кунда Қуролли Кучларимиз салоҳиятини янада мустаҳкамлаш, халқ ва армия бирдамлигини таъминлаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ҳарбий соҳадаги ислохотларнинг ўзагини ташкил этиши кераклигини таъкидлади.

Президент қўшинларнинг жанговар қобилияти ва тайёргарлигини мунтазам ошириб бориш юзасидан мутасаддиларга тегишли кўрсатмалар берди.



ЎЗА ва таҳририят материаллари асосида тайёрланди.

ПРЕЗИДЕНТ ЧЕГАРАЧИЛАРНИНГ ХИЗМАТ ВА ЯШАШ ШАРОИТЛАРИНИ КЎРДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Давлат хавфсизлик хизмати Чегара қўшинларининг Сурхондарё вилоятидаги взводларидан бирига ташриф буюрди.

Маъмурий бинодаги ша-роитлар, чегарани қўриқлашда қўлланилаётган ҳарбий техника ва қурол-аслаҳалар кўздан кечирилди. Давлат чегарасини қўриқлашда учувчисиз учиш аппаратларининг аҳамияти таъкидланди.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон-Афғонистон чегарасини

қўриқлаш жараёни билан яқиндан танишди.

Мамлакатимизда қўшинларнинг жанговар шайлигини ошириш билан бирга ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий ҳимоялашга катта эътибор қаратилмоқда. Ушбу взвод ёнида ҳам шинам хонадонлар барпо этилган.

Давлатимиз раҳбари шундай хонадонлардан бирида меҳмон бўлди. Ҳарбий хизматчиларнинг оила аъзолари билан суҳбатлашди.

– Ватанимиз ҳимоячиларининг ўз вазифаларини хотиржам бажариши, фарзандлар тарбияси сизларга боғлиқ. Турмуш ўртоқларингизга мададкор бўлиб, катта

жасорат кўрсатяпсиз. Сизлар ҳам Ватан ҳимоячисизлар, – деди Шавкат Мирзиёев ҳарбийларнинг рафиқаларига.

Ҳовлида ўйингоҳлар, спорт майдончалари, аёллар учун тикувчилик ва қандолатчилик хонаси ташкил қилинган. Болаларни мактаб ва боғчага элтиш учун автобус йўлга қўйилган.

ПРЕЗИДЕНТ: ҲАРБИЙ-ЖАНГОВАР САЛОҲИЯТ ВА ЮКСАК МАЪНАВИЙ САЛОҲИЯТ — ЎЗБЕКИСТОН ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИНИНГ ИККИ БУЮК ТАЯНЧИ

Президент Шавкат Мирзиёев Термиз шаҳридаги «Ёш чегарачилар» ҳарбий-академик лицейини бориб кўрди.

Ўтган йили лицей учун янги бино барпо этилган. Бу ерда ижтимоий ва аниқ фанлар йўналишларида 200 дан ортиқ ўқувчи таълим-тарбия олмақда.

Давлатимиз раҳбари шу ерда Ватан ҳимояси ва эл-юрт тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимларнинг оила аъзолари билан учрашди. Видеоалоқа орқали тадбирга Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар вакиллари ҳам боғланди.

Маълумки, мустақилликка эришиш, тинчликни сақлаш ўзидан бўлмади. Халқимиз ҳам кўп синовли кунларни бошидан кечирди. Осойишта ҳаётимизни издан чиқаришга уринишлар, террорчилик хужуралари бўлди. Ботир ҳарбийларимиз жасорат кўрсатиб, ғаразли кучларга қақшатқич зарба берган. Минг афсуски, бу курашда юзлаб мард ҳарбийларимиз, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари ҳалок бўлган.

Учрашувда давлатимиз раҳбари уларни номма-ном ёдга олди. Бундай довюрак фарзандларни дунёга келтириб, ҳақиқий ватанпарвар қилиб тарбиялаган ота-оналарга, уларнинг умр йўлдошлари ва фарзандларига халқимиз номидан чуқур миннатдорлик билдирди.

– Эл-юрт учун жонини фидо қилган ўғлонларимизни «ҳалок бўлган» дейишга тил бормади. Улар оиласи учун, Ватанимиз учун ҳамиша барҳаёт, – деди Шавкат Мирзиёев.

Қаҳрамон ўғлонлар хотирасини абадийлаштириш, уларнинг оила аъзоларига ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш ва қўллаб-қувватлаш давлатимиз, жамиятимизнинг эътиборида бўлиб келмоқда. Марҳум ҳарбий хизматчилар давлатимизнинг

юксак орден ва медаллари билан тақдирланган. Уларга бағишлаб «Мард ўғлонлар номи барҳаёт» деб номланган хотира китоби нашр этилган.

Президент қарори билан 2018 йилдан бошлаб, ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар фарзандларини олий таълим муассасаларига имтиёзли тавсиянома асосида ўқишга қабул қилиш йўлга қўйилди. Ҳозирги кунга қадар 278 нафар ўғил-қиз шу асосда олийгоҳларга кирган.

Давлатимиз раҳбари ҳарбий хизматчилар оиласига эътибор ва ғамхўрлик ҳамиша давом эттирилишини таъкидлади. Шу мақсадда 13 март куни «Ватан ҳимояси ва эл-юртимиз тинчлиги йўлида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ходимлар оила аъзоларини ижтимоий қўллаб-қувватлашни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Президент Фармони қабул қилинди.

Ҳозирги кунда ҳалок бўлган ҳарбийлар ва ҳуқуқ-тартибот ходимларининг 270 нафар меҳнатга лаёқатсиз оила аъзолари боқувчисини йўқотганлик пенсиясини олапти. Энди Фармонга кўра ҳар бир оила аъзоси учун пенсия миқдори 25 фоизга оширилади. Натижада ҳар бир оила аъзоси ўртача 2 миллион сўмдан пенсия олади.

Иккинчидан, вафот этган хизматчиларнинг оила аъзоларидан ҳозирда 82 нафарининг уй-жойи йўқ, уларнинг 21 нафари ижарада ва 61 нафари қариндошиникида яшайди. Бундан буён, муҳтож оилаларга, биринчи навбатда, тураржой берилади ва имтиёзли ипотека кредити олиш имконияти яратилади. Оила аъзоларига ижара тўлови учун 1 миллион 800 минг сўмгача пул берилади. Бундан ташқари, ҳалок бўлган хизматчиларнинг фарзандлари боғча,

коллеж, техникум ва олийгоҳда бепул таълим-тарбия олади.

Учинчидан, оила аъзоси даромадининг солиқдан озод қилинадиган суммаси 2 баробар кўпаяди. Бу тартиб ходимнинг фарзандларига ҳам татбиқ этилади. Натижада марҳум хизматчининг оиласи рўзғорига ҳар ой ўртача 700 минг сўм қўшимча пул қолади.

Тўртинчидан, бундан буён ушбу тоифадаги хизматчининг оила аъзолари ҳарбий шифохоналарда бепул даволаниш ҳуқуқига эга бўлади ва навбатдан ташқари стационар тиббий ёрдам олади. Уларга дори-дармон ва протез-ортопедия мосламалари олиб берилади, жарроҳлик харажатлари давлат ҳисобидан қопланади. Хизматчининг ота-онаси, турмуш ўртоғи ҳар йили санаторийда бепул даволанади, болалари оромгоҳларда соғломлаштирилади. Уларнинг ота-онаси учун йилига икки марта темир йўл ва ҳаво транспортида юриш бепул бўлади.

Бешинчидан, ҳалок бўлган хизматчилар оиласини ҳарбийлашган ва ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан оталиққа олиш амалиёти жорий этилади. Шу билан бирга, вилоят ҳокимликлари томонидан оғир аҳволдаги бундай оилаларга ҳар ой 400 минг сўм миқдорига нафақа бериб борилади.

Маълумки, Ватанга қасамёд қилган хизматчи ноҳуш ҳолатлардан кафолатланмаган. Бундан буён, агар хизматчи ўз бурчини бажаришда ҳалок бўлган тақдирда, унинг оиласига иш ҳақини 150 баравари миқдорига бир йўла нафақа берилади. Яъни бу нафақа ўртача 300 миллион сўмдан 500 миллион сўмга оширилади. Ҳалок бўлганда тўланадиган суғурта тўлови 25 миллион сўмдан 60 миллион сўмга кўпаяди.

Давлатимиз раҳбари бундай мард инсонларни вояга етказган ота-оналари, фарзандлари доимо юртимиз ардоғида бўлиши зарурлигини таъкидлаб, «Эл-юрт фидойиси» кўкрак нишони таъсис этиш таклифини билдирди. Бу нишон гувоҳномаси Олий Бош Қўмондон томонидан имзоланди. Ушбу эътироф эгалари барча имтиёзларга эга бўлади.

Бугун дунёнинг турли нуқталарида янги таҳдид ва қуролли тўқнашувлар юз бермоқда. Бундай таҳликали вазият халқимизни ҳам безовта қилиши табиийдир. Шу боис давлатимиз мустақиллигини, халқимиз тинчлигини ҳимоялашга катта аҳамият қаратилмоқда.

– Ҳарбий-жанговар ва юксак маънавий салоҳият Ўзбекистон Қуролли Кучларининг икки буюк таянчига айланиши зарур, – деди Президент.

Ўтган йили ҳарбий хизматчиларнинг ахлоқий-руҳий тайёргарлиги ва жанговар руҳини ошириш концепцияси қабул қилинди, «Ватан таянчи» болалар ва ўсмирлар ҳаракати ташкил этилди. Булар ёшлар қалбида ватанпарварлик туйғуларини юксалтиришга ҳисса қўшмоқда.

Давлатимиз раҳбари Ватан озодлиги йўлида фидойилик кўрсатган ўғлонларимиз жасорати ҳам ёш авлод учун ибрат экани, улар ҳақида асарлар яратиш кераклигини таъкидлади.

– Эзгу мақсад йўлида бирлашган халқ ва давлатни ҳеч қандай куч енголмайди. Илоҳим, қаҳрамон ўғлонларимизнинг охиратлари обод бўлсин. Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин, – деди Президентимиз сўзининг якунида.

ЎЗА материаллари асосида тайёрланди.

«ЖАМОАВИЙ РУҲ»:

Ўзбекистон ҳарбийлари яна тенгсиз

Жорий йилнинг 1 мартдан 13 мартга қадар Покистон Ислон Республикасида олтинчи бор бўлиб ўтган «Жамоа руҳи» халқаро мусобақаси (6-th International PATS Competition) АҚШ, Марокаш, Ироқ, Қатар, Иордания каби 11 давлат ўртасида ўтказилди. Баҳслар якунига кўра, Ўзбекистон Мудофаа вазирлиги разведка бўлинмаси жамоаси фахрли 1-ўринни қўлга киритди. Кейинги ўринларни Саудия Арабистони, Қозоғистон ва Таиланд жамоалари банд этишди.



Шуниси аҳамиятлики, Ўзбекистон ҳарбийлари 2021 ва 2022 йилларда ҳам мазкур баҳсларда бош совринни қўлга киритган эди.

Ўзбек ҳарбийлари Покистоннинг иссиқ ва қийин шароитларида ўз маҳоратини кўрсата олди. Вакилларимиз алоқа тайёргарлиги, ҳарбий топография, отиш ва тиббий тайёргарлик, махсус сигналлар бериш ва оптик воситаларни қўллаш, нотаниш ҳудудларни рекогносцировка қилиш бўйича назорат машғулотида ўта аниқлик билан ҳаракат қилиб, юқори муваффақиятга эришди. Ўтган йилги кўрсаткичлардан ҳам юқори натижаларни қайд этиб, қатор рекордларга эга чиқишди.

– Ўзбекистон терма жамоаси яна бир бор юқори профессионализм

ва юксак ҳарбий тайёргарликка эга эканлигини намойиш этди. Бу мусобақада Ўзбекистоннинг доимий иштирок этиб келаётганидан биз жуда хурсандмиз, – деди Покистон Қуролли Кучлари Қуруқликдаги қўшинлари қўмондони генерал Асим Мунир.

Таъкидлаш керакки, сўнгги йилларда ўзбекистонлик ҳарбийлар қатор халқаро мусобақаларда юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. Биргина ўтган йили ўтказилган «АрМИ – 2022» Халқаро армия ўйинларида Ўзбекистон вакиллари 7 та олтин, 10 та кумуш, 5 та бронза медалга эга бўлди. Шунингдек, 22 та шахсий ва жамоавий рекорд натижа қайд этилиб, 37 давлат ичида умумжамоа

ҳисобида фахрли иккинчи ўринни эгаллаганди. Буюк Британияда дунёнинг 24 та давлатидан келган 144 та жамоа ўртасида ўтказилган «Кембрия патрули»да ҳам фахрли иккинчи ўринни қўлга киритганди.

Юртнинг музаффар ўғлонлари Ислон Каримов номидаги Тошкент халқаро аэропортида Мудофаа вазирлиги масъул офицерлари, ҳарбий хизматчилар, ғолибларнинг оила аъзолари ҳамда жамоатчилик вакиллари томонидан тантанали равишда кутиб олинди. Давлатимиз ва Ўзбекистон Қуролли Кучлари қудратини яна бир дунёга танитган ўғлонларга миллийлигимиз рамзи бўлмиш тўн ва дўппи кийгизилди.

* * *

Мудофаа вазирлиги марказий аппаратида юртимиз байроғини банд кўтарган ҳарбий хизматчиларни тақдирлашга бағишланган тантанали тадбир ўтказилди. Мудофаа вазирининг биринчи ўринбосари – Қуролли Кучлар Бош штаб бошлиғи генерал-майор Шухрат Халмухамедов мамлакатимиз миллий армияси шарафини муносиб ҳимоя қилган мард ва жасур ўғлонларни ғалаба билан қутлади. Уларга кўкрак нишони ва қимматбаҳо совғалар берилди.

**Катта лейтенант
Ислонжон ҚҮЧҚОРОВ,
«Vatanparvar»**



«Дўстлик – 2023» биргаликдаги ўзбек–ҳинд ўқув машғулотларининг тўртинчиси ҳам ўз якунига етди. Ҳиндистон Республикасининг Уттаракханд штати Кумаон ҳудуди тоғли тепаликлари бўйлаб ястанган Питхорагарх шаҳри яқинидаги Бадлани қишлоғида жойлашган 438-мотоўқчилар полкида бўлиб ўтган тўртинчи ҳамкорликдаги ўзбек–ҳинд ўқув машғулоти давомида икки мамлакат ҳарбий хизматчилари ўзаро уйғунликда жанговар тайёргарлик машғулотида иштирок этиб, тажриба алмашди.



ЎЗБЕК–ҲИНД ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ ЯКУНИГА ЕТДИ

Бугунги кунда Ҳиндистон ташқи савдо ва иқтисодий соҳада Ўзбекистоннинг муҳим ҳамкорларидан бири ҳисобланади. Ўзбек–ҳинд маданий-тарихий алоқаларининг илдизлари бундан тўрт-беш минг йил олдинги даврларга – Ложувард ва Нефрит йўллари мавжуд бўлган пайтларга бориб тақалади. Шиддат билан тараққиёт сари одимлаётган ва Янги Ўзбекистонни барпо этиш йўлида кўплаб хорижий мамлакатлар билан юксак даражадаги яқин шерикчилик алоқаларини ўрнатаётган мамлакатимизнинг Ҳиндистон Республикаси билан ҳозирги вақтда давом этаётган кўп қиррали ҳамкорлик йўналишлари йилдан йилга юксалиб бормоқда.

«Дўстлик – 2023» биргаликдаги ўзбек–ҳинд ўқув машғулотида Ҳиндистоннинг 14-Garhwal Rifles батальони ҳарбий хизматчилари билан иштирок этган ўзбекистонлик ҳарбийларнинг ҳар куни сермазун ва сермахсул ўтди. Тоғли ва ўрмонли ҳудудларда жанговар тайёргарлик машғулотларини ташкил этиш ва ўтказиш, шартли террорчиларни йўқ қилиш бўйича ўқув-жанговар операцияни бажариш ҳамда кўплаб бошқа тадбирлар давомида икки мам-




лакатнинг юрт химоячилари юксак профессионализм, кучли ҳарбий интизом, мустаҳкам ирода ва матонатни намойиш этиб, ўзаро билим ҳамда тажриба алмашишди. Дўстона руҳда ўтказилган ҳар бир машғулоти ҳарбий хизматчиларнинг назарий ва амалий билимларининг бойитилишига, кўпроқ тажриба алмашиш ва маҳоратларини юксалтиришга хизмат қилгани билан аҳамиятли бўлди.

«Дўстлик – 2023» биргаликдаги ўқув машғулотларининг якуний қисмида Ўзбекистон Республикаси ҳарбий контингенти раҳбари сифатида иштирок этган Шимоли-ғарбий ҳарбий округ қўшинлари қўмондони ўринбосари полковник Исмоил Қурбоннов учун икки ҳафта давомида иштирокчилар томонидан ўзлаштирилган жанговар тайёргарлик машғулотларининг намойиши ташкил этилди.

Унда икки мамлакат ҳарбий хизматчилари томонидан қўлбола усулларда портлатиш ҳамда сигнал берувчи воситаларни турли жойларга ўрнатиш, тоғ тайёргарлиги машғулотида скалодромда меъёрларни бажариш, қоялардан ҳар хил усулларда тушиш ва чиқиш, сунъий тоғ тўсиқли йўлагидан ўтиш, қўл жанги элементларини қўллаш, ўрмонзор, тоғли жойларда ҳамда ёпиқ иншоотларда ўқотиш машғулотларини ўтказишни амалда кўрсатиб беришди.

Шунингдек, ҳиндистонлик ҳарбийлар томонидан ўқотиш ва тиббий тайёргарлик машғулотларини ўтказиш учун яратилган ўқув тренажёрлари, муҳофаа саноти томонидан ишлаб чиқарилаётган ва Ҳиндистон армиясида қўлланилаётган квадрокоптерлар ҳамда уларга қарши воситалар, тунда ҳамда кундузи ишлайдиган кўриш ва масофани ўлчаш асбоблари, қуролли босқинчини қуролсизлан-



тиришга ўргатилган хизмат итлари ҳамда учаётган дронни уриб туширишга ўргатилган бургутларнинг хатти-ҳаракати намоиш этилди. Ҳинд армияси вакиллари томонидан ўргатилган лочиннинг бошига ўрнатилган кичик ҳажмли видеокамера ёрдамида 300–400 метр масофагача учиши давомида видеотасвирни реал вақт мезонида мониторга узатиши барчада қизиқиш уйғотди.

Икки давлат ҳарбий контингенти томонидан тунги вақтда, кўриш даражаси ўта паст вазиятда шартли террорчилар жойлашган лагерга ҳужум уюштириш бўйича ўтказилган «Чақмоқ» операциясининг намоиши иштирокчиларнинг юксак профессионал тайёргарлигини кўрсатди. Ушбу операция тунги кузатиш мосламаси орқали масофадан оқ-қора рангда онлайн эфирга узатилди.



шартли душманни қуршаб олиш ва яқсон қилишда бўлинмалар бажарилган вазифаларга ойдинлик киритилди. Икки ҳарбий контингент бўлинмалари командирларининг ўқув-жанговар вазифаларни бажаришга қабул қилган қарорлари

яқсон қилишни бошлади. Разведка маълумотларига кўра, икки қаватли бинода жойлашган террорчилар кўмондонини қўлга олиш учун унинг тоmidан ва пастки қисмидан ишғол қилувчи гуруҳ ҳаракатлари кўргазмали тарзда намоиш этилди.



Ўзбекистон ҳарбий контингенти раҳбари полковник Исмоил Қурбонов ўз нутқида «Дўстлик – 2023» ҳамкорликдаги ўқув машғулотлари жаҳонда ва минтақада кескин ўзгариб бораётган ҳарбий-сиёсий вазият, миллий ҳамда глобал



Ўқув машғулотининг асосий кунига қадар икки томон ҳарбий хизматчилари тоғли ва ўрмонзор ҳудудларда биргаликда ҳаракат олиб боришнинг ўзига хосликлари, машғулот режасида назарда тутилган вазифалар бўйича пухта тайёргарлик кўрди.

Ўзбекистон ҳарбий контингенти томонидан тоғли ҳудудда яшовчанликни таъминлаш учун маҳаллий предмет ва табиий воситалардан фойдаланган ҳолда ёввойи ҳайвонларни турли усулларда овлаш учун тузоқларни ясаш, сув чиқариш, овқат тайёрлаш ҳамда захирасини яратиш, пана жойларни жиҳозлаш, олов чиқариш, ов қуролларини ясаш бўйича ўтказилган маҳорат дарси ҳиндистонлик ҳарбий хизматчилар томонидан олқишланиб, уларда катта таассурот қолдирди.

Ҳар икки давлат ҳарбий хизматчилари иштирокида ўтказилган спорт мусобақалари ҳамда эрталабки бадантарбия машғулотларида ташкил этилган турли жамоавий ўйинлар ва йога машқлари жипсликни оширишга хизмат қилиб, руҳий тетиклик, жисмоний барқарорлик бағишлаб, ирода ҳамда матонатни тоблади. Ўзбекистон ва Ҳиндистон кунларига бағишлаб ўтказилган маданий ва маърифий тадбирларда эса икки халқнинг қадимий ва замонавий маданияти бўй кўрсатди, ўлмас оҳанглар янгради, дастурхонларга миллий таомлар тортилди.

Ўзбек-ҳинд ҳамкорликдаги ўқув машғулотларининг асосий кунига қадар биргаликдаги тактик ўқувнинг ғояси, тоғли шароитда разведка-қидирув ҳаракатларини олиб боришнинг ўзига хос хусусиятлари,

тингланди. Юзага келган вазиятдан келиб чиқиб, ҳамкорликдаги оператив штаб ҳамда йиғма отряд тузилди. Ўзбек-ҳинд ҳамкорликдаги кучлари белгиланган ҳудудда жанговар вазифа бажаришга киришди.

Ўқув режасига кўра, биринчи эпизодда қишлоқ ҳудудида ўрнатилган блокпостдан ўтмоқчи бўлган шартли террорчиларни қўлга олиш амалиёти бажарилди. Унда икки контингент ҳарбийлари биргаликда олинган тезкор маълумотларга асосан, транспорт воситасида ҳаракатланган шартли душман техникасини тўхтатиши жараёнида блокпост хавфсизлигини таъминловчи бўлинма томонидан қўлга олиш жараёни ташкил этилгани кўрсатиб берилди. Махсус тактик ўқув кузатувчиларга жонли тарзда инглиз ва ўзбек тилларида трансляция қилиниб, бўлинма командирлари томонидан ҳар бир ўқув-жанговар ҳаракатни бажаришга қабул қилган қарори ва ҳаракати шарҳлаб борилди.

Иккинчи эпизодда аҳоли яшаш пунктида ўрнашиб олган эҳтимолий террорчилар гуруҳини аниқлаш, уларни қуршаб олиш ва йўқ қилиш вазифалари бажарилди. Маҳаллий бошқарув органи, полиция ходими ҳамда ҳарбий хизматчилар томонидан аҳоли яшаш объектларида товуш кучайтиргичлар воситасида одамлардан кўчага чиқиш сўралди. Тинч аҳоли вакиллари яшаш объектларидан хавфсиз ҳудудга ўтказилгач, ўқув-жанговар операцияни бажаришга киришилди. Биргаликдаги ўзбек-ҳинд ўқувларида иштирок этаётган икки мамлакат ҳарбийлари ҳамкорликда ҳар бир бинони синчковлик билан текшириб, шартли душман кучларини шовқинсиз

Тез фурсатда бутун қишлоқ шартли ноқонуний тузилмадан тозаланиб, юқори кўмондонликка ахборот берилди. Навбатдаги ўқув жойида қум тўлдирилган қоплардан ясалган унинг макетида бинони ишғол қилиш амалиёти кўрсатиб берилди.

Учинчи ўқув нуқтасида эҳтимолий ноқонуний гуруҳ жойлашган лагерни ишғол қилиш усули намоиш этилди. Дастлаб бир неча километр узоқликдаги нуқтага учиб келган бўлинма десантлаштирилди. Арқон ёрдамида ердан 25 метр баландликда учиб турган вертолётдан сирпаниб тушган бўлинма ҳудуд мудофаасини ташкил этиб, ундан кейин берилган координата йўналишлари бўйича ҳаракатланди. Шартли душман лагерига ҳужум дастлаб соқчиларни йўқ қилишдан бошланди. Шундан кейин шартли равишда лагерь миномётдан ўққа тутилди. Сўнгги босқичда жанговар бўлинма ишғол қилишга ўтди.

Ўқувларнинг якуни бўйича ҳар икки контингент батальон командирлари томонидан конференция ҳамда матбуот анжумани ўтказилди. «Энг яхши бўлинма», «Энг яхши жуфтлик», «Энг яхши мерган», «Энг кучли жамоа» ҳамда бошқа йўналишлар бўйича икки мамлакат ҳарбий хизматчилари эсдалик совғалари ва медаллар билан тақдирланди.

«Дўстлик – 2023» Ўзбекистон ва Ҳиндистон мудофаа вазирликларининг биргаликдаги ўқув машғулотининг биргаликдаги йилиши маросимида дастлаб майдонга икки мамлакат давлат байроқлари олиб кирилди. Ҳарбий оркестр томонидан Ҳиндистон ва Ўзбекистон Республикаси давлат мадҳиялари куйланди.

хавфсизлик соҳасида рўй бериши мумкин бўлган хавф-хатар ҳамда таҳдидларга қарши курашишнинг энг маъқул усул ва услубларини қўллаш, ҳарбий хизматчиларнинг жанговар салоҳияти, профессионаллиги ҳамда маҳоратини ошириш борасида ўзаро тажриба алмашиш имконини берувчи платформа вазифасида хизмат қилаётганини таъкидлаб ўтди.

Тантанали тадбирда иштирок этган Garhwal Rifles 32-полк кўмондони бригадир Маянк Ваид умумий яхлит қарашларга эга икки давлат – Ҳиндистон ва Ўзбекистон бутун дунёда тинчликни рағбатлантиришда муҳим роль ўйнаётганини, ўзаро ҳарбий ҳамкорлик муносабатларидан ташқари мамлакатларимиз ўртасидаги яқин алоқалар ва шерикчилик муносабатлари халқаро майдонда ижобий таассурот қолдираётганини эътироф этди.

Мазкур ўқув машғулотларини сифатли ташкил этиш ва ўтказишда жонбозлик кўрсатгани учун Ҳиндистон ҳарбий контингенти раҳбарига Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг эсдалик совғалари тантанали тарзда топширилди.

Шу билан «Дўстлик – 2023» биргаликдаги ўзбек-ҳинд ўқувининг тўртинчиси ҳам ниҳоясига етди. Унутилмас таассуротлар ҳамда катта тажриба билан Ўзбекистон ҳарбий контингенти она заминга қайтиб келди.

**Подполковник
Тимур НАРЗИЕВ,
Шимоли-ғарбий ҳарбий округ
матбуот хизмати бошлиғи**

Ҳиндистон, Питхорагарх

АВВАЛ — ИНСОН, Кейин — жамият ва давлат

Мазкур рукн остида муштарийларга референдум қонунчилиги ва амалиёти бўйича туркум мақолалар бериб бориш назарда тутилган. Бу орқали референдум ўтказувчи участка комиссияларини тузиш тартиби ва улар фаолиятининг асосий жиҳатлари, референдумда овоз берувчи фуқароларнинг руйхати билан ишлаш, муддатидан олдин овоз беришни ташкил этиш ва ўтказиш, референдум ўтказувчи участка комиссиясининг фаолияти, референдум участкасида овозларни санаб чиқиш ва натижаларни белгилаш, референдум ўтказувчи участка комиссиясининг оммавий ахборот воситалари вакиллари, кузатувчилар билан ҳамкорлиги ҳақида маълумот ва тушунчаларга эга бўлишингиз мумкин.

Жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан фуқароларнинг умумхалқ овоз бериши референдум орқали амалга оширилади. Референдум халқ иродасининг, демократиянинг бевосита ифодаси ва муҳим воситасидир.

Референдум ўтказилаётганда бирон-бир лавозимга номзод ёки номзодлар руйхати учун овоз берилмайди, балки унда муайян масала — янги конституция лойиҳаси, конституцияга тузатишлар, қонун, қонун лойиҳаси, мамлакатнинг халқаро мақомига тааллуқли ёки ички сиёсатига оид бирон-бир савол қўйилади. Аҳамиятли томони шундаки, рефе-

рендумда қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлиб, фақат референдум йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

Референдум ўтказиш ташаббуси билан Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Ўзбекистон Республикаси Президенти чиқиши мумкин. Референдум ўтказиладиган кунга қадар ёки референдум кунда ўн саккиз ёшга тўлган Ўзбекистон Республикасининг ҳар бир фуқароси, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида истиқомат қилаётган ёки турган Ўзбекистон Республикасининг фуқароси рефе-

рендумда иштирок этиш ҳуқуқига эгадир.

Конституциявий ислохотларнинг аҳамияти

Дунёда ва мамлакатимизда глобаллашув жараёнлари кечмоқда ва бугун замон ҳар қачонгидан ҳам тезлашди ҳамда аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари ҳам ортиб бормоқда. Мамлакатимиз тараққиётини янги поғонага олиб чиқиш учун давлат бошқаруви тизими, жамият ва фуқароларимизнинг ҳуқуқий мақоми ҳам ўзгариши керак. Конституциявий ислохотларнинг мақсади биринчидан, инсон ҳуқуқ, мажбуриятлари ва эркинликларини кенг таъминлаш ва кафолатлаш, иккинчидан, жамоат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг институтлари фаолияти учун зарур барча шароитларни яратиш, учинчидан, самарали давлат бошқаруви тизимини шакллантиришнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришни тақозо этади.

Конституциявий ислохотлар «Аввал — инсон, кейин — жамият ва давлат» деган ғояни Қомусимиз ва қонунларимизга сингдириш орқали эркин, демократик, ҳуқуқий ва ижтимоий давлатни шакллантириш ва тараққий этишга қаратилган.

Бугунги кунга қадар халқимиз томонидан Конституциямизни такомиллаштиришга қаратилган 220 мингдан зиёд таклиф келиб тушганлиги «Жамият — конституциявий ислохотлар ташаббускори» тамойилини намоён этмоқда. Конституциявий қонун лойиҳасининг референдум орқали қабул қилиниши ҳар бир фуқаронинг конституциявий ислохотларга дахлдор бўлиши ва «Бу — менинг Конституциям», деган юксак ғурур

ва ифтихорни таъминлашга имкон яратади.

Референдум тушунчаси ва референдумнинг сайловлардан фарқи

Ўзбекистон Республикасининг референдуми Ўзбекистон Республикасининг қонунларини ва бошқа қарорларни қабул қилиш мақсадида жамият ва давлат ҳаётининг энг муҳим масалалари юзасидан фуқароларнинг умумхалқ овоз беришидир.

Референдум сайловлар билан бир қаторда халқ иродасининг бевосита ифодасидир.

Референдумда қабул қилинган қарорлар олий юридик кучга эга бўлади.

Агар референдумда қабул қилинган қарорларда бошқача тартиб назарда тутилган бўлмаса, референдумда қабул қилинган қарорлар фақат референдум йўли билан бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши мумкин.

Референдум Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудда ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг референдумни ўтказиш ва референдум ўтказиладиган санани тайинлаш тўғрисидаги қарорларида уни ўтказиш санаси белгиланади, бунда овоз бериш палаталарнинг қарорлари эълон қилинган кундан эътиборан бир ярим ойдан уч ойгача бўлган даврда исталган кунга тайинланиши мумкин.

**Мудофаа вазирлиги
 Тарбиявий ва
 мафқуравий ишлар
 бош бошқармаси**

✓ YANGILANAYOTGAN KONSTITUTSIYA — YOSHLAR NIGOHIDA

ДЕМОКРАТИЯНИНГ ҲУҚУҚИЙ КАФОЛАТИ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг демократик йўлдан ривожлантиришнинг ҳуқуқий кафолатидир.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг «Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси» китобида демократик ислохотларни янги сифат босқичига олиб чиқувчи янада жиддий вазифалар қўйилган. Улар қонунчилик ҳамда ҳуқуқни англаш ва қўллаш тизимини, жамиятнинг сиёсий-ҳуқуқий онгини умуминсоний қадриятлар ва барқарор ривожланиш тамойилларига йўналтиради. Янги Ўзбекистонга мувофиқ келадиган янги конституциявий принцип ва нормаларни белгилаш кўзда тутилган.

Аввало, бу «Инсон қадри учун» устувор тамойилини ҳаётга татбиқ этишга тегишлидир. Бунда инсон қадри — мамлакатнинг ҳар бир фуқароси учун тинч ва хавфсиз ҳаётни, фундаментал ҳуқуқ ва эркинликлари, малакали тиббий хизмат, сифатли таълим, кучли ва манзилли ижтимоий ҳимоя ҳамда соғлом экологик муҳит таъминлашини, муносиб турмуш шароити ва замонавий инфратузилманинг босқичма-босқич яратилишини англади. Халқчил ислохотлар даврида яшайпмиз. Ҳаракатлар стратегиясидан Тараққиёт стратегияси сари қадам қўйиб, бу катта йўлда жамиятимизнинг янги қиёфасини яратишга киришдик.

Юртимизда одамларни рози қилиш йўлидаги саъй-ҳаракатлар, ҳаётимизни ўзгартираётган тамойиллар янгича демократик ўзгаришларни талаб қилмоқда. Бу Конституциявий ислохот. Шу маънода Конституциявий ислохотларнинг қуйидаги устувор йўналишлари белги-ланган эди:

биринчидан, аввал амал қилган «давлат — жамият — инсон» асосини янги «инсон — жамият — давлат» парадигмага ўзгартириб, конституциявий қонунчилик ва конституциявий амалиётда мустаҳкамлаш;

иккинчидан, иқтисодий ислохотлар жараёнида инсон манфаатларини таъминлаш. Бу халқчил давлатни бунёд этишнинг энг муҳим шартидир;

учинчидан, фуқаролик жамияти институтларининг ўрни ва мақомини, «Жамият — ислохотлар ташаббускори» тамойилини конституциявий мустаҳкамлаш;

тўртинчидан, оила институтини ривожлантириш, бўлажак авлодларга аънавий инсоний қадриятларни асраб-авайлаган ҳолда етказиш, мамлакатда миллатлараро тотувликни мустаҳкамлашнинг конституциявий асосларини белгилаш;

бешинчидан, Конституцияда давлат ёшлар сиёсатини, Янги Ўзбекистон бунёдкорлари — ёшларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлашини, уларнинг ҳуқуқи, манфаатлари ва мажбуриятларини акс эттириш;

олтинчидан, ҳозирги кунда Ўзбекистон ижтимоий давлат ва одил фуқаролик жамиятини қуриш сари илдам бораётганини ҳисобга олган ҳолда «Янги Ўзбекистон — ижтимоий давлат» тамойилини конституциявий норма сифатида мустаҳкамлаш;

еттинчидан, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизими самарадорлигини ошириш, болалар меҳнатига йўл қўймаслик, ногиронлиги бор шахслар ва кекса авлод вакиллари ҳуқуқларининг ишончли муҳофазасини таъминлаш;

саккизинчидан, Конституцияга махсус экологик қоидалар, глобал иқлим ўзгаришларига тегишли ҳуқуқий меъёрларни киритиш;

тўққизинчидан, болалар боғчалари, мактаблар, Учинчи Ренессанс асосларининг ўзаро боғлиқ жиҳатлари бўлган олий таълим ва фан соҳаларини ривожлантириш масалаларини конституциявий даражада мустаҳкамлаш.

Дарҳақиқат, жадал ўзгариб бораётган замон замонавий талабларга жавоб берадиган Конституцияга эга бўлиш учун мувофиқ хатти-ҳаракатлар ва ўзгаришларни талаб қилади. Конституциявий норма ва қонунларнинг устуворлиги, уларнинг инсон манфаатларини кўзлаб иш тутишига ва шу доирада ўзаро ижтимоий муносабатларни мақбул ҳолга келтиришига йўналтирилганлиги мамлакатда барқарорликни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлашнинг, фуқаролик жамияти асосларини қарор топтиришнинг асосий омиллари саналади. Ҳозирги ёшлар юртимизда бўлаётган ислохотларда фаол иштирок этмоғи лозим.

**Саидакмал МАМАСОЛИЕВ,
 ТДЮУ қошидаги
 академик лицей
 I босқич ўқувчиси**



Юртимизда инсон манфаатлари олий қадрият даражасига кўтарилди.

Бугун барча давлат идораларида аҳоли мурожаатлари билан ишлаш бўйича сифат жиҳатидан мутлақо янги тизим яратилгани фикримизнинг яққол далилидир.

Мухими, бу борада жойларда ташкил этилаётган сайёр қабуллар фуқароларнинг ғам-ташвишини аритишда, муаммоларини ҳал этишда, шак-шубҳасиз, кутилган натижани бермоқда.



Жумладан, Мудофаа вазирлиги қабулхонасида вазир ўринбосари генерал-майор Ҳамдам Қаршиев томонидан ўтказилган сайёр қабул шу даргоҳга умид илинжида келган кўплаб инсонларнинг қувончига сабаб бўлди. Қабулда Республика Ҳарбий прокурорининг ўринбосари адлия подполковниги Қаҳрамон Исроилов, вазирлиқнинг тегишли бош бошқарма ва бошқарма бошлиқлари ҳам иштирок этди. Шу куни ҳар бир мурожаатчининг дарду ташвиши, ҳаётини муаммо ва эҳтиёжлари атрофлича ва қонун доирасида кўриб чиқилди. Кўплаб мурожаатлар имкон даражасида жойида ҳал қилинди. Ўндан ортиқ фуқарога ҳуқуқий ёрдам кўрсатилди, баъзи масалалар эса назоратга олинган ҳолда мутасаддиларга йўналтирилди. Шунингдек, мурожаатлардан келиб чиқиб, тегишли бошқарма ва бўлим бошлиқларига топшириқлар берилди.

– Бухоро вилоятидан келдим, – дейди ўзини Ақгул Ражабова деб таништирган суҳбатдошимиз. – Ёлғиз фарзандимиз Азизбек ҳарбий хизматчи – сержант. Айни вақтда у Фарғона вилоятида хизмат қилипти. Икки нафар фарзанди бор. Биз дадаси билан пенсионермиз. Катта ҳовлида икковимиз яшаймиз. Жуда зерикиб



кетсак, соғинсак, хўжайиним билан тез-тез Фарғонага бориб, фарзандларимиз ҳолидан хабар олиб турардик. Лекин охириги йилларда қариб қолдикми, узоқ йўл юришга қийналяпмиз. Ёлғизланиб қолдик. Шунинг учун фарзандимиз яқинимизда хизмат қилишини хоҳладик. Майли, Бухорода бўлмасин, лекин бизга яқин вилоятлардан бирида хизмат қилса ҳам майли, дегандик. Шу мақсадда сайёр қабулга келдим. Ўғлимнинг хизматини Қашқадарё вилоятининг Муборак туманидаги ҳарбий қисмга кўчириб беришди. Бунчалик тез ҳал бўлади, деб ўйламагандим. Кўнглим таскин топди. Мудо-

фаа вазирлиги раҳбариятига минг раҳмат айтаман. Яхшилар бор бўлсин, соғ бўлсин!

– Турмуш ўртоғим Шухрат Ақромов 22 йил Қуролли Кучлар сафида хизмат қилди. Яқинда пенсияга чиқди, – дейди Наргиза Ақромова. – У давлатдан имтиёзли уй олиш учун анча вақт олдин ҳужжат топшириб кўйганди. Лекин бир англашилмовчилик сабаб уй берилмади. Рўйхатидан тушиб қолган экан. Бугун шу масалага аниқлик киритилди. Бу йил рўйхатга киритиб, албатта уй берамиз, дейишди. Тезроқ уйга бориб, хурсандчилигимни яқинларим билан бўлишсам, деяпман.

ОЛИЙ ҚАДРИЯТ ИММО ОМИЛИ –



III darajali serjant Olim BERDIYEV



Фуқароларни қийнаб келаётган муаммоларнинг ҳал бўлганини эшитиш қанчалик ёқимли бўлса, улар юзида шодлик завқини кўриш шунчалик сурурли. Мана шундай лаҳзаларда кўнгида яшашга бўлган иштиёқ ошади, дунё эзгу амаллар ила гўзал эканлигига яна бир бор дилдан амин бўласиз. Мухими, шаффоф ва самимий руҳда ўтган сайёр қабулда ҳеч бир мурожаат эътиборсиз қолмади.

Подполковник Гулнора ҲОЖИМУРОВА
 «Vatanparvar»

(учинчи мақола)

ХУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ

«Дунё бўйлаб» канали ҳали яхшигина ишлаб турган пайтлар эди. Кунларнинг бирида дафъатан, унда бир инглиз тадқиқотчиси «Сома» ичимлиги олинадиган дарахтни қидириб, Ҳиндистонга боргани ҳақидаги ҳужжатли фильмни кўриб қолдим. У Ҳиндистоннинг қадимий тарихий масканлари, турли ибодатхоналар пандитлари, коҳинлари, олимлари ва йўлида учраган одамлар билан учрашиб, улардан сома дарахти ҳақида сўраб суриштирарди. Ҳатто фильм охирида: «Мана, ниҳоят, биз Сома дарахтини топдик», деб томошабинларга тадқиқоти натижаларини намойиш қилди.

Мен ўша инглиз тадқиқотчисидан қизиқроқ ва кўпроқ маълумот кутгандим. Бироқ хатти-ҳаракатларидан у қидираётган нарсаси ҳақида деярли тасаввурга эга эмаслиги яққол билиниб қолди. Сўхбатдошлари ҳам «сома» Ҳиндистон халқининг қадимги илоҳий ичимлиги эканини таъкидлашдан у ёғига ўта олмади. Бу борада инглиз олимларининг аҳволи ҳам бошқалар ҳавас қиладиган даражада эмаслиги ушбу ҳужжатли фильмда кўриниб турарди. У Онақут ҳақида Сўғда фильм ишлаганда эди, сома ичимлик-таомини ўзбек аёллари қандай тайёрлашини тасвирга олар ва ундан татиб ҳам кўрарди.

ОЛИС АСРЛАР ҚАЪРИДАГИ СЎЗЛАР

Беш юз йилдан нарироқда сўз мулкининг султони ҳазрат Навоий бисотида бу сўз кўринмади. Ахийри, у минг йиллик масофадан чиқиб келди. «Сумалак» атамаси таркибидаги «малак» биз ўқиган ё эшитган ҳикоялардаги арабий «малак» (фаришта) ва «су» – форсий «се» (уч) ёки «си» (ўттиз) сўзлари билан ҳеч қандай алоқаси йўқлиги маълум бўлди. «Сумалак» соф ўзбекча (туркий) сўз бўлиб чиққанидан чексиз ҳайратда эдим. Том ташқи шифтлари ва дераза қошидаги муз сумалак билан қозондаги қайноқ таомнинг ҳам ўхшаш сифатлари бор экан.

Бу муаммонинг ечими ҳам жаноб Маҳмуд Кошғарийнинг ҳижрий 469 йили (1076–1077) ёзиб тугатган «Девону луғати-т-турк» китобидан топилди. Муаллиф «сума» сўзига: «Ивителиб, буғдой номи. У қуритилиб, туйилади. Сўнг ундан угра ош ва нон тайёрланади. Шарбат олиш мақсадида ундирилган арпа учун ҳам шу сўз қўлланади», – деб жуда тушунарли изоҳ берган.

Бу сўз бизга ўзбек халқининг олис ўтмиши, Туроннинг дунё илм аҳли эътиборидан анча четда қолиб келаётган шарафли ва улкан оламига йўл очиб берди. У оламга ўтишдан олдин «сума» сўзининг ўзига тўхталамиз. У

мустақил маъно англатувчи иккита туркий «сув» ва «ма(н)» (дон) сўзининг бирикувидан ташкил топган экан. («Тегирмон» сўзига солиштириб кўринг: «тугар» + «ман» – донни тугиб, туйиб ун қилувчи). «Сума» сумалакнинг илк шакли эди.

«Сума» сўзига «малак» (фаришта) қандай қўшилиб қолган?

Араб тилидан бизга ўзимизникидек сингишиб кетган «малак» сўзини «сума»га қўшишга қанчалик уринмайлик, бу жараёнга у бегона экани ойдинлашаварди. «Сума» ва «малак» сира қовушмади. Шунда Кошғарийнинг туркий сўзлар луғатидан «булатмоқ» сўзи чиқиб келди ва кўз ўнгимизда биз қидираётган воқеани содир этди. Худди бирор сўровчи кимсани кутиб ётгандай, «малак» сирини ошкор қилди.

Қидирув жараёнида «булатмақ» сўзидан бир неча маънолар юзага чиқди.

хизмат кўрсатувчи ошхоналарда угра шўрва, угра ош, қатикли угра ош тайёрланади. Мазкур овқатлар албатта хамирли бўлади. Бу маълумот «сума» таомига татбиқ этилса, ундан «сувда қайнатилган буғдой ё арпа шўрва» маъноси ҳосил бўлади. Мана шу овқат ўзбекнинг Улуғ Момоси – Онақутнинг Тангри таоло бандаларига инъом этган илоҳий таоми эди.

* * *

Тиниқ сувга бошқа нарсанинг аралашуви хусусияти таом сумалак ва муз сумалакка ҳам тегишли, улар буланган сувлардир. Бу мазмун дарахт танасидан оқиб чиқаётган қуюқ суюқлик «смола» сўзида ҳам акс этиб турибди. Минг йил олдин ёзилган манбадаги ушбу ахборотлар «сумалак» сўзини керагича тушуниб олишимизга етарли бўлди. Сумалак ўз номини ўзи айтадиган таомдир. Унинг исмини бошқа изоҳлар ва узундан

маросимлар мадҳ қилинади. «Девони луғати-т-турк» асарида сумалакнинг илк шакли «син», «мим», «алиф» билан «сума» (امس) шаклида ёзилган, санскрит ёзувида «сома» (सोम) ичимлиги «с», «о», «м» ҳарфлари билан берилган ҳамда «м»дан кейин одатда ёзилмайдиган қисқа «а» унли товуши бор. Барча таниқли ва тажрибали тадқиқотчилар «Авесто»даги «хома», «хаома» ва «Сомаведа»даги «сома» муқаддас ичимлиги битта нарса эканини ихтилофсиз эътироф этади. Ушбу асар ҳинд «веда»ларининг иккинчи китобидир, нуфузи «Ригведа»дан асло кам эмас. Мутахассислар қадимийлиги ва тарихийлиги жиҳатидан уни «Йажурведа» ва «Атҳарваведа»дан юқори қўйишади. Асарда таърифланган муқаддас ичимлик бугунги кунда биз «сумалак» деб атайдиган суюқ таом масаллиғидан бошқа нарса эмас.

Ҳозиргача дунёнинг бир қанча олимлари санскритдаги

СУМАЛАК

1. Сув буғида кўзининг гўштини «буғлатиб», «бувлатиб» пишироқ. X–XI асрлар ва улардан қадимги замонларда ҳам туркий «булатти» арабий «шўрва» сўзининг ўрнида қўлланган экан.

Бу тўғрида Маҳмуд Кошғарий: «Қозон буғида пиширилган ҳар нарсага бу сўз қўлланади», – дейди. Давримиздаги баъзи асарларда ҳам «қозонда билқ-билқ қайнаётган шўрва» ҳодисасига дуч келиб қоламиз. Ердан сизиб чиқадиган сувнинг «булақ», «булақ» деб номланиши ҳам унинг қайнаб чиқиш хусусиятига ишорадир. «Буғлама» овқати ҳозир ҳам шу ном билан юритилади ва машҳур миллий таомлар қаторида туради.

2. Кошғарий яна ёзади: «Булади: «кўзи булади – кўзини пиширди», «булар», «буламақ» ҳам дейилади».

3. «Буламақ» сўзи ҳозирги ўзбек тилида бор – «нонни қатикқа булади», «кўлини нишолдага булади», «рақибини тупроққа булади».

4. «Булғаммақ» – бу сўз «буламақ»қа ўхшаш, аммо кўпроқ лойқалатмоқ, аралаштироқ, ифлос қилмоқ каби маъноларни англатади.

5. Қадимда туркийда шўрва «мун», «бун» деб ҳам аталган экан. Маҳмуд Кошғарий бу сўзнинг икки шаклини изоҳлаб, турклар шўрвани «мун» деса, ўғуз, қипчоқ ва суваринлар «бун» деб талаффуз қилишини тушунтиради.

Ушбу маълумот форсийда сумалакнинг «суман» деб айтилиши сабабини жуда яхши изоҳлаб беради. У «сув»+«ма»+«ман» асосида шаклланган. Асрлар давомида «Сувмаман» оғзаки нутқда «суман»га айланиб борган.

Маҳмуд Кошғарий китобининг бошқа саҳифасида: «Мун – шўрва. Яғмоларда эшитдим. «Мун калдур» деганларида угра шўрва пиширганларини кўрдим», – деб ёзади. Ҳозир ҳам ўзбек халқи хонадони ва оммага



СУВ ВА БУҒДОЙ

узун шархлар унинг ўзичалик аниқ ифодалай олмайди.

Энди бу таом ва унинг маъносини олис асрлар оша сақлаб келаётган «сума» сўзи нега бунчалик эъзозланишини яхшироқ билиш учун тарихнинг Маҳмуд Кошғарий давридан ҳам узоқроқ минг йилликлар оламига назар ташлашга уриниб кўрайлик.

СУВ ВА БУҒДОЙ

Маҳмуд Кошғарий изоҳидан сўнг биз гапирмоқчи бўлган китобнинг номини таржима қилишга ҳожат қолмади. Уни дунё илм аҳли «Сомаведа» номи билан жуда яхши танийди. У тўлалигича «сума» (сумалак) шарбати қутловларидан ташкил топган ва унда ушбу озуқани тайёрлаш билан боғлиқ

«сома» сўзини «сиқмоқ», «эзмоқ» феълидан олинган, деб тахмин қилади. Бонгард-Левин уни «Мангу тириклик шарбати» мақоласида «замбуруғ сома» (сома-мухомора) деб атайди ва: «Сома» эронча «хаума» – «су» (ху) – «сиқмоқ, шарбат тайёрламоқ» феълидан ясалган», – деб ёзади. Сўнгра «сома» ичимлиги бўлиши мумкин бўлган бир қанча гиёҳлар ва буталар номини санаб ўтади. Улар орасида арпа ҳам бор. Бироқ улардан бирортасини «мана шу сома ўсимлиги» деб аниқ айта олмайди. Дунё олимлари ўртасида «сома» ҳақидаги сўхбатлар, баҳс-мунозаралар, юзлаб тадқиқотлар икки ярим асрдан бери давом этиб келяпти. Иш шу тарзда кетаверса, бу муаммо ечимига ҳали-вери етиб бўлмайди.

Албатта, «сома» сўзининг бундай талқин этилишига «Авесто» ҳамда «Веда» китобларидаги илоҳий ўсимликдан ибодат ичимлиги қай тарзда олиниши ҳақидаги тафсилотлар ва албатта, тадқиқотчи уларни қандай ўқиши ҳам сабабчи бўлган. Лекин «сома» сўзи ҳиндий адабиётларда ичимлик, илоҳий шарбат ва кўкдаги ой номини англатади холос. Негадир жуда кўпчилик таржимонлар «сома»ни маст қилувчи шарбат, деб ҳисоблайди.

Ҳозиргача мутахассислар «сома» тайёрланганидан гиёҳ номини ахтаришади, турли фаразларни билдиришади. Ҳатто «сома»ни ўсимлик номи дейишади. Исмга айланган бу сўз бирикмасининг ҳиндий ва форсий тилларда аниқ маъноси йўқлиги ажабланарли ҳолдир. Маҳмуд Кошғарий изоҳида у сув ва ма(н) (буғдой, арпа) экани очиқ кўриниб турибди. Айниқса, бизда ҳозир ҳам сумалак тайёрлаш маросими ўша қадимги китобларда таърифланганига тўла мос тарзда содир бўлади. У сувда қайнатиб пишириладиган буғдой ва арпа шўрвадир.

МАКОН, ВАҚТ ВА ОЛИМЛАР

М. Майрхофер, И.М. Дьяконова, Т. Барроу каби жаҳоннинг кўплаб таниқли олимлари «Ригведа», «Сомаведа» китоблари Амударё ва Сирдарё, Орол ва Каспий денгизи оралиғида яшаган халқлар маънавий дунёси маҳсули эканини таъкидлайди. Биз ҳам худди шу худуддан кўхна Турон тамаддунини (цивилизацияси) қидиряпмиз ва у илк уринишимиздаёқ кўрина бошлади.

Бироқ мазкур мавзуда бошқача фикрдаги олимлар ҳам кўп. Ушбу китобларнинг тўлиқ шаклланган даврини бир гуруҳ олимлар милоддан олдинги 2000–1500 йиллар оралиғи билан белгилайди. Ҳ. Якоби 4500–2500, ҳиндистонлик Б. Тилак ва унинг тарафдорлари 6000–4000 йиллар олдин яратилган, деб ҳисоблайди. Мазкур санани милоддан олдинги 10000 йилгача етказувчилар ҳам бор.

Биз ҳозирча олдинги мақолаларимизда таъкидлаганимиздек, бу борада саналарни ифодаловчи бирор рақамни ёзишдан бу гал ҳам тийилиб тураемиз. Бироқ битта нарса аниқ – милоддан олдинги 6000 йилча муқаддам муқаддас Ҳуз ва Яксарт дарёлари оралиғида Турон тамаддуни (цивилизацияси) маданий тарихи ўзагига ҳануз қувват бериб келаётган Онақутнинг «сума», «сумалак» ичимлик-таоми бу китобларнинг барчасидан минглаб йиллар қадимийроқ экани аниқ кўриниб турибди. Улар унинг шарофати билан дунёга келган эди.

ОНАҚУТ

Йил боши – Наврўз байрамида қозонда сумалак тайёр бўлгач, кекса оналаримиз дуога қўл очиб, тирикликни қутлашади. Барча кетаётган йилдан ризолик тилаб, келаётган янги йилни қутлаб, дуога қўшилади. Бугун ҳаётимизда Онақут давридан мерос бўлиб қолган қадимий «қут»лов маросими арабий «дуо» орқали амалга оширилади.

Йилбоши – Наврўз байрами охирида йиғин даврабоши: «Қани, барча дуога қўл очсин, кекса онахон ва отахонларимиз янги йилни қутлаб, дуо қилсин!» дейди. Бу чорлов ер юзини кўккам зийнатлаб, эл Наврўз айёмига тўпланганда ҳануз Турон туфроғи бўйлаб оммавий равишда янграйди.

**Абдусаттор ЖУМАНАЗАР,
ЎЗР ФА Абу Райҳон
Беруний номидаги
Шарқшунослик институти
катта илмий ходими**

УМАРШАЙХ МИРЗО Олийҳиммат ва улўф орзули подшоҳ



ТАВАЛЛУДИ ВА НАСЛ-НАСАБИ

Умаршайх мирзо 1455 йил Самарқандда туғилди.

Султон Абусаид мирзонинг тўртинчи ўғли.

Султон Абусаиднинг отаси – Султон Муҳаммад мирзо, унинг отаси – Мироншоҳ мирзо, унинг отаси – Темурбек.

Темурбек катта ўғли Умаршайх мирзога Фарғона вилоятини тортиқ қилганидек, Султон Абусаид мирзо ҳам ўғли Умаршайхга Андижон вилоятини берди. Унга Худойберди Туғчи Темуртошни бекота қилиб юборди.

ШАКЛ-ШАМОЙИЛИ

Умаршайх паст бўйли, юмалоқ соқолли, сарғиш юзли норғил киши эди. Тўнни жуда тор киярди. Белбоғни қорнини ичига тортиб боғлатар, агар уни қўйиб юборса, кўпинча боғлар узилиб кетарди. Салласини дасторпеч – махсус салла ўрайдиган киши ўраб кўярди. Ёз пайтлари маҳкамдан ташқарида мўғулча бўрк киярди.

ФЕЪЛ-АТВОРИ

Ҳанафий мазҳабида, покиза эътиқодли киши эди. Беш вақт намозни қанда қилмасди. Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳга мурид эди.

Яхши саводи бор эди, Низомий Ганжавий ва Хисрав Дехлавий «Хамса»лари, дostonлар ва тарихларни, кўпинча «Шоҳнома»ни ўқир эди. Шеърини истеъдоди бор, бироқ шеър ёзишга қунт қилмасди.

Адолати шу даражада эдики, бир вақт Хитойдан келаётган қарвон қор кўчкисига дуч келиб, икки киши омон қолади. Бундан хабар топган Умаршайх қарвон молларини йиғдириб, уни икки йил сақлайди. Ворислари топилгач, молларни эгаларига топширади.

Хушхулқ, ҳазилкаш, гапга чечан ва ширинсўз, шижоатли ва мардона киши эди.

Авваллари кўп ичарди, кейинчалик ҳафтада бир ёки икки марта ичадиган бўлди. Бирор баҳона билан жуда яхши шеърлар ўқирди.

ЖАНГ ВА УРУШЛАРИ

Уч маротаба саф тортиб уруш қилган.

Илк дафъа Юнусхон билан Андижоннинг шимол тарафида урушди. Иккинчисиде Самарқанд туманларини талон-торож этиб келаётган ўзбаклар билан Туркистонда музлаган Арис сувини кечиб жанг қилди. Ўзбаклар билан бўлган бу урушда ғалаба қозонди, асирларни озод қилиб, ўлжаларни эгаларига қайтарди, ҳеч нима таъма қилмади. Учтинчисиде Султон Аҳмад мирзо билан Шоҳрухия ва Ўратепа орасида урушди.

Икки марта йигитларидан ўзиб ёлғиз қилич чопди. Ўқни ўртача отар, мушти жуда қаттиқ, ундан йиқилмаган йигит йўқ эди.

ВИЛОЯТЛАРИ

Султон Абусаид мирзо унга Фарғона вилоятини берган эди. Бир неча маротаба Тошкент ва Сайрам ҳам мирзонинг тасарруфида бўлган. Бу шаҳарларни унга акаси Султон Аҳмад мирзо берган эди. Шоҳрухияни фириб билан олиб, анча вақт

фойдаланиб турган, аммо охириги чоғларда Тошкент ва Шоҳрухияни қўлдан чиқаради.

Фарғонанинг етти қасабаси – шаҳарчаси бор: Андижон (пойтахт), Ўш, Марғилон, Исфара (Исфара, Ворух, Сўх, Ҳушёр), Хўжанд (Кандибодом), Ахси, Косон.

ФАРЗАНДАРИ

Уч ўғил, беш қиз. Тўнғичи – Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Унинг онаси Қутлуғ Нигорхоним эди. Иккинчи ўғли Жаҳонгир мирзо Бобурдан икки ёш кичик, онаси Фотима Султон мўғул бекларидан бирининг қизи эди. Кенжа ўғлининг исми Носир мирзо бўлиб, унинг онаси андижонлик Умид исми ғунчачи эди.

Қизлари – Хонзодабегим, Меҳробонубегим, Шаҳробонубегим, Ёдгор Султонбегим, Руқия Султонбегим. Тўнғичи Хонзодабегим Бобур билан бир онадан туғилган, беш ёш катта эди.

Хонзодабегим тақдир тақозоси билан Шайбонийхонга турмушга чиқиб, ундан Хуррамшоҳ исми ўғил кўради.

АМИРЛАРИ

Худойберди Темуртош – Умаршайхнинг эшикоғаси. Тартиби, бошқарув ва иш тутишлари яхши эди. Иброҳим Бекчик Ўш атрофларига ҳужум қилганда шаҳид бўлган.

Ҳофиз Муҳаммадбек дўлдой – фақир, камгап ва одми киши эди. Умаршайхнинг эшикоғаси, маълум муддат Андижон, Жиззах ҳокими бўлган. Бобур Кобулни олмасидан бурунроқ Маккага ҳажга отланган, йўлда вафот этган.

Хожа Ҳусайнбек – одми ва фақир киши эди.

Шайх Мазидбек – ғайратли ва интизомли. Умаршайх олдида ундан улўғроқ бек йўқ эди. Аммо ахлоқсиз, бачча сақлар эди.

Али Мазидбек қавчин – мунофиқ, ахлоқсиз, кўрнамак ва ярамас киши эди.

Ҳасан Яъқуббек – болатабият, истеъдодли, чечан ва самимий, мардона киши эди. Аммо ичи тор, камҳафсала, фитнали ишлари бор эди. Ўқни яхши отар, чавгонни яхши ўйнарди.

Қосимбек қавчин – диёнатли, тақводор киши эди. Урушларда яхши қилич чопар, ўзини кўрсатар эди. Кекса бўлишига қарамай, яхши жанг қилгани учун Бобур унга Бангиш вилоятини тортиқ қилади. Кобулда Ҳумоюнга бекота бўлади. Шубҳали таомдан парҳез қиларди. Саводсиз бўлишига қарамай, зийраклик билан лутфлар, мутойибалар қиларди.

Бобоқули Бобо Алибек – ғайратли, қуролни яхши ишлатар, навқарга яхши қарарди. Аммо бенамоз, рўза тутмас, золим ва кофиртабиат киши эди.

Али Дўст тағойи – Бобурнинг ёзишчи, бир неча йил унинг ҳузурда бўлиб, айтишга арзигулик иш қилмайди. Қушчи, бахил ва фитначи, мунофиқ, қайсар, юзи совуқ киши эди.

Вайс Лоғарий – тўқчи элатидан бўлган бу амирнинг иш юритиши хийла яхши бўлса-да, бироз фитначи эди.

Мир Фиёс тағойи – Султон Абусаид мирзо салтанатида унинг олдида тушадиган киши йўқ эди. Абусаиднинг муҳри унда турарди. Умаршайхнинг сўнги йилларида у билан қадрдон бўлган бу амир хушчақчақ, ҳазилкаш, аммо ахлоқда тийиқсиз эди.

Али Дарвеш – Султон Абусаид мирзонинг танқўриқчилари сафида хизмат қилган. Хуросон ва Самарқанднинг абжир йигитларидан махсус ҳарбий гуруҳ тузган эди. Мардона бўлган бу киши насхталик хатини ажиб бир усулда ёзар, хушомадга мойил, табиатида хасислик устунлик қиларди.

Қанбар Али мўғул – отбоқарлардан эди. Бобур ҳузурда бироз эътибор қозонади. Иш бошлангунча ғайратли бўлган бу киши ишга келганда қолтоғайлиги, яъни ўзини ишлаган қилиб кўрсатадиган одати бор, сергап вайсақи киши эди.

ВАФОТИ

1494 йил, душанба куни, рамазон ойининг тўртинчисиде, иморатлари жар ёқасида бўлган Ахси қўрғониде кабутарлар ва кабутархонаси билан учиб, ўттиз тўққиз ёшида ҳалок бўлди.

Ф. ЭРГАШЕВ тайёрлади.

ЯГОНА, ЭНГ ЯНГИ, МУКАММАЛ

таълим даргоҳи

Марказий Осиё минтақасида ҳарбий тиббиёт соҳасида ягона бўлган Ўзбекистон Қуролли Кучлари Ҳарбий тиббиёт академияси 2020 йил Президент қарори билан ташкил этилган эди. Академияда ўқув йили давомида 130 дан ортиқ курсант, интернатура ва ординатура тингловчиси таълим олиши, 20 дан ортиқ йўналиш бўйича 400 нафарга яқин ўрта тиббиёт ходими малака ошириши мумкин.



Валлом ABDURAHIMOV



– Қуролли Кучлар Ҳарбий тиббиёт академиясига олий тиббий таълим муассасалари даволаш факультетларининг 5-босқичини ва тиббий-профилактика факультетларининг 4-босқичини битирган талабалар танлов асосида ўқишга қабул қилинади, – дейди академиянинг ўқув-методик бўлим бошлиғи тиббий хизмат полковниги Абдухамид Бекинов.
 – Курсантларнинг ўқиш муддати икки йил давом

этади. Бундан ташқари, таълим даргоҳимизда кўшинлар шифокорлари учун икки йиллик ординатура ва магистратура ҳамда уч йиллик докторантура курслари ташкил қилинган.

Академиямизда 2 та факультет, 5 та кафедра, ҳарбий тиббиёт илмий тадқиқот институти фаолият юритмоқда. Шунингдек, янгилик сифатида илк бора авиация тиббиёти, ҳарбий-тиббий экспертиза, биологик, радиацион ва озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича

мутахассислар ҳамда тиббий маълумотга эга бўлмаган ҳарбий хизматчиларга шошилиш тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмаларини ўргатиш мақсадида «парамедик»ларни тайёрлаш тизими йўлга қўйилди.

Ўқув биносида ривожланган давлатлар тажрибасини чуқур ўрганган ҳолда ташкил этилган Ўқув-машқ симуляция маркази энг замонавий робот-манекенлар, симуляторлар билан жиҳозланган бўлиб, унда курсант ва тингловчиларнинг тактик тиббиётдан бошлаб, клиник тиббиётга қадар амалий кўникмалари ривожлантирилади.

Бугунги кунда реал воқеликка яқинлаштирилган жанг майдони эффектларини берувчи тактик тиббиёт ўқув хонаси, компьютерлаштирилган ўқув қуроллари билан жиҳозланган аудиториялар, госпиталда амалга ошириладиган жарроҳлик амалиётларини реал вақт режимида видеокузатиш имконини берувчи амалиёт хоналари, зарур воситалар билан таъминланган махсус хоналар ҳамда 250 дан ортиқ ўринли анжуманлар зали

бўлғуси ҳарбий шифокорлар, тиббиёт ходимлари хизматида. Мазкур анжуманлар залида видеоалоқа тармоғи орқали барча куч тузилмалари госпиталлари, мамлакатимиздаги етакчи клиникалар, илмий-амалий тиббиёт марказлари, ҳатто хорижий тиббиёт масканлари билан боғланиш имконияти яратилган.

– Мен клиник ординатуранинг 2-босқич тингловчисиман. Ҳарбий тиббиёт факультетини битириб, беш йил кўшинларда хизмат қилдим. Факультетимиз давлатимиз раҳбарининг қарори билан академияга айлантилди. Биз ўқиган беш йил бурунги шароитлар билан ҳозиргини таққослаб бўлмайди. Ўқувларнинг назария ва амалиёт билан бирдек олиб борилиши, жаҳон стандартлари даражасидаги таълим жараёни ва бошқа шарт-шароит ҳамда имкониятлардан беҳад мамнунмиз, – дейди тиббий хизмат капитани Феруз Раджабов.

Фурқат ЭРГАШЕВ,
 «Vatanparvar»



ЖОСУСЛИК ДА АЙБЛАНГАН АЁЛ

ёхуд Марям Султонмуродованинг сургундаги мактублари


Султонмуродова Марям Жуманиёзовна 1905 йил 13 февралда Хива шаҳрида туғилган. Унинг отаси Жуманиёз Султонмуродов тараққийпарвар инсон сифатида қизи Марямни 1911 йил Урганчдаги беш йиллик нўғой (*татар*) мактабига беради. Оиласи Тўрткўлга кўчиб ўтгач, Марям бу ердаги жадид мактабига таълимни давом эттиради. 1919 йилдан Тошкентдаги маориф мактаб гимназиясида ўқийди. 1920-1921 йилларда эса олий маълумот олиш мақсадида Оренбург татар педагогика институтида таҳсил олади. 1921 йили ёзги таътилда уйига келган Марям Хоразм компартияси Марказий кенгашида аввал адабий бўлимга, сўнг аёллар бўлимига раҳбарликка тайинланади. Марям бу вазифаларга жиддий киришади. Бироқ оғир тарихий шароит ва қийинчиликлар унга кўнгиладигидек ишлаш имконини бермади. Натижада 1922 йил июлда Тошкентга келиб, Ўрта Осиё давлат университетининг ишчи факультетига хужжат топширади.

1922 йил октябрда Марям Султонмуродова Бухоро ҳукумати томонидан Германияга ўқиш учун юборилаётган талабалар сафига киритилади. 1922-1923 йилларда Берлин университети қошидаги олти ойлик тайёрлов курсида ўқийди. 1924-1926 йиллар Дармштадт олий семинариясида таълим олади. 1926-1927 йилларда эса Берлин яқинида Потсдамдаги «Фрауншулле» мактабига амалиёт ўтайди.

1927 йил ёзги таътил вақтида Хайринисо Мажидхонова билан бирга 29 июлдан 18 августгача Париж шаҳрида бўладилар. Париж опера театри ошхонасида Аҳмад Наим ва Мустафо Чўқай билан бўлган 2-3 дақиқалик учрашуви кейинчалик уларнинг қатағон этилиши учун асосий баҳона бўлади. Марям 1927 йил кузидан Берлин шаҳрининг Веддинг туманидаги профессор Финкельштейннинг олти ойлик ҳамширалик курсида ўқийди ва 1928 йил Ватанига қайтади.

Марям Султонмуродова Ватанга келиши билан сўроқ-таъқиблар бошланиб кетди. Аввалига ҳеч жойдан иш беришмайди. Фақат 1929 йил февраль ойида Германияда таълим олган Бадри Сайфулмулк ёрдамида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш комиссарлигига қарашли болалик ва оналикни асраш институтига ҳамшира бўлиб ишга кирилади. Марям 1929 йилнинг охирида Асқар Аҳмадбеков билан оила қуриб, 1933 йилгача Каттақўрғонда яшайди. Эри қамоққа олингач, 1933 йил Тошкентга келди ва Ўрта Осиё давлат университетида ишга кирилади. Бироқ 1934 йил яна ишсиз қолади. У яхши ижодкор эди. Шунинг учун дастлаб «Гулистон» журнаliga, 1936 йилда эса «Ёрқин турмуш» журнаliga адабий ходим бўлиб ишга кириди. Марям ўзбек матбуотида ўзининг олмон адабиётидан қилган таржималари ва аёлларнинг ўткир ижтимоий муаммоларига бағишланган мақолалари билан элга танила бошлади. Ёш журналист Даврон Мадаминга турмушга чиқиб, бахтли ҳаёт оstonасида турган пайтида ҳақиқий аянчли кунлар бошланади...

1937 йил 13 сентябрь куни Марям Султонмуродова 1922-1928 йилларда Германияда ўқиган, «Туркистон» жосуслик ташкилоти



аъзоси деб, ЎзССР ЖКнинг 60- (аксилинкилобий ташвиқот), 67- (аксилинкилобий ташкилотга аъзолик) моддалари билан айбланиб, қамоққа олинади. Тинтув жараёнида паспорти, дипломлари, меҳнат дафтарчаси, мактублари, китоблари, 35 та шахсий сурати хатланади. Ортидан онаизори Дурдижон ая, мурғак ўғли Пўлатжон зор йиғлаб қолади. Марям олти ойлик норасида қизи Анора билан қамоқхона азобларига гирифторм этилади.

Узоқ вақт давом этган азобли тергов давомида унга қўйилган бирорта айб ўз исботини топмайди. Шундай бўлса-да, ЎзССР ЖКнинг бир неча моддалари билан айбли деб топилади ва 10 йил муддатга қамоққа ҳукм этилади. У 1947 йил 13 сентябргача азоб-ўқубат чекади. Жазо муддати тугагач, Ватанга қайтиб, Урганч тумани Янгибозор фуқаролар йиғинида ҳамшира бўлиб ишга кириди. Бироқ унинг осуда кунлари узоқ чўзилмайди. Аёл 1949 йил 30 мартда қайта қамоққа олинади ва бу гал ҳам эски «жоноятлари» учун узоқ Красноярск ўлкасига сургун қилинади.

Юрак хасталигига, пневмосклерозга йўлиққан шўрлик Марямхон шу тариқа яна беш йил Ватанидан узоқда, болалари дийдорига тўймай, маҳкумлик азобини бошидан ўтказди.

Марям Султонмуродованинг 1956 йил 10 майда бош прокурорга йўллаган мактубида ўзига қўйилган айбларни асоссиз ҳисоблаб, уларни рад қилади: «Мени айблашларича, гўё мен Берлинда бўлган вақтда «Озод Туркистон» аксилинкилобий жосуслик ташкилоти аъзоси бўлиб, шу ташкилотнинг топшириғи билан Германия фойдасига жосуслик ишлари олиб борган эмишман. Мен ҳеч қачон бирорта аксилинкилобий ташкилотнинг аъзоси бўлган эмасман! «Озод Туркистон» деган ташкилотнинг борлигини мен биринчи бор тергов вақтидагина эшитдим. Менинг билишимча, 1922 йил Бухоро ва Туркистон жумҳурияларидан олти ишга яқин киши Германияга ўқишга юборилган эди. Ўша йилнинг кузида Хоразм раҳбарлари қарори билан мен ҳам шу сафга қўшилдим. Менга энди бизнинг олдимизда Европа фан-техникасини қувиб етиш ва ўзиб кетиш вазифаси турганлигини айтишганларидан кейин у ерда ўқишга розилик берган эдим. 1922 йилдан то 1924 йил бошларигача Берлинда бўлдим, кейин Дармштадтга ўқишга кетдим. Шунинг учун мен ўзимнинг талабаларимиз билан кам муносабатда бўлар ва кўплари билан шахсан таниш ҳам эмас

эдим. Ўша вақтларда мазкур талабаларни «Туркистон талабалари жамияти» номли ҳамюртлар жамияти бирлаштириб туришини билардим. Бу юртдошлик мазмунидаги очик ташкилот бўлиб, унинг фаолияти давлатимизнинг воситачилиги билан боғланган эди. Кейинчалик бу уюшмани Германиядаги бутун Советлар Иттифоқи талабалари уюшмаси билан бирлаштирдилар. Бундан бошқа яна қандай талабалар уюшмаси бўлганлиги менга сира маълум эмас. Мени Тошкентга келган вақтда аллақандай Эйнганд номли профессор орқали жосуслик ишларини олиб борганликда айбладилар. Бу тухмат!..» деб ёзган аризаси асосида унинг иши қайта кўриб чиқишга топширилди.

Марям Султонмуродова 1957 йил 2 августда СССР Олий Суди ҳарбий коллегияси томонидан оқланди. Бироқ у тўлиқ оқланганидан кейин ҳам рўшнолик кўрмади. Таъкиб тўхтамади, севган соҳаси журналистика билан шуғулланиш у ёқда турсин, унинг матбуот саҳифаларини ўқишга ҳам тўсқинлик қилинди. Бу ҳақда у шундай ёзади:

«...Жоним азобда қолди. Юрагимни очиб сўзлайдиган кимсам йўқ. Қалбимни қоғозга тўкиб солмоқчиман. Шу ниятда қўлимга қалам олдим. Меним виждоним пок эди. Мен берилиб, виждон билан меҳнат қилардим. Аммо ҳеч қачон жоноят қилмаган эсам-да, мени яна қамоқхонага ташладилар. О, қанчалар азобда қолганимни билсалар эди... 1954 йилда яна юртимга қайтиб келдим ва Урганчнинг Қорамон қишлоғида ишлай бошладим. Бу ерда ҳам атрофимни ўшандай жоҳил одамлар қуршади ва менга аввалгидай азоб бериб, мазах қила бошлади. Уларнинг баъзилари менинг тақдирим уларнинг қўлида эканини англаб қўйишга уринса, бошқалари мен билан яқинлашишга, дўстлашишга ҳаракат қилишарди. Ўзларини яқин кўрсатиш учун ҳар хил гаплар қилишарди. Масалан, бир киши менинг сиёсат билан қизиқиш-қизиқмаслигим, газета ўқиш-ўқимаслигимни суриштирганларини сўзлади. Суриштирса суриштираве-ришсин, менинг ҳеч қандай ёмон одамлар билан ошначилигим йўқ. Ҳокимиятга қарши бирор ёмонлик қилиш ҳаёлимга ҳам келмайди. Мен билан қизиқишса қизиқаве-ришсин. Бу уларнинг иши. Аммо барибир алам қиларкан кишига. Одамлардан уяларкансан. Бу аллозда яшамок қанчалар оғир!..»

1957 йилда мени оқлашган. Мендан бахтли одам йўқ эди. Ахийри орзум ушалди! О, менинг хурсанд бўлганларим... Лекин, афсус, кўп ўтмай, ихлосим қайтди.

Мен ҳамон назорат остида эканлигимни, шармисорлик тамғасининг юки ҳамон босиб ётганлигини англадим. Ўзлингни пастга уришларини ҳис этишдан ортиқ алам йўқ оламда. О, бу қанчалар оғир! Агарда менга юқоридан, масхараомуз қараётган мана шу кимсалар мендан яхшироқ ва мендан покроқ бўлишганда-ку, балки бу ҳолга чидардим. Лекин асло ундай эмас эди. Аксинча, уларнинг бири чайқовчилик, ичкиликбозлик, бузуқлик қиларди. Иккинчиси бировнинг эрини тортиб олган, фарзандини отасиз қолдирган эди. Ўз юрти қонунларини ҳурмат қилмаган кимсани виждонли киши деб бўладими, унга ишониб бўладими? Виждон қонунини писанд қилмаган, бошқаларнинг кўз ёшларини оқизган кимсани инсон деб бўладими? Ҳақиқий инсон ҳамма ерда: ҳаётда ҳам, ишда ҳам соф виждонли бўлмоғи даркор. Ўзлари аслида чиркин табиатли, пасткаш одамлар мени кўрқитишар, осуда ҳаётимни заҳарлашга уринишарди. Бир куни ўша аёл гўё менга ачинган бўлиб, ўғлимни ишончлироқ жойга жойлаштиришни маслаҳат берди, «Ким билади, ҳали бошингизга не савдолар тушади», деди. Мен унга ўғлим ҳали ёш бола, менга бирор кори ҳол бўлишига ақлим бовар қилмайди, дедим-да, хотиржам ишлай бошладим. Шунда у истехзоли тиржайиб: «Жуда иродангиз кучли экан», деди. Ҳеч бўлмаса, мана шу кимсалар мени тинч қўйишса эди, кўнглимга ғулу солишмаса эди. Йўқ, улар менга сира тинчлик беришмас, оловга мой қуйишарди. Менга ўзларини яқин кўрсатиб, ҳар нималарни очик гапирган бўлиб, қандай мақсадни кўзлашяпти экан? Мендан бирга ишлаган ҳамкасбларим ҳақида суриштирганида бир аёлнинг номини тилга олгандим. Орадан бир-мунча вақт ўтгач, у менга: «Афсус, улар сизни тинч қўймайдиган кўринади», деди. Яқинда эса, орамиз бузилиб қолганда: «Шуни билиб қўйингки, тақдирингиз менга жудаям боғлиқ!» деди зарда билан. Ҳар кимса кайфиятига қараб мен билан хоҳлаганича гаплашиши мумкин экан-у, мен тилимни тийиб, индамаслигим керак...»

Бу ҳақсизликлар ҳам Марямнинг иродасини синдира олмади, ўзини бир лаҳза бўлсин, айбдор деб билмади. Ҳақиқатга ишонди, инсонийлигини йўқотмади. Бу билан шўролар тузумининг шармандали тарихида инсон матонати тимсоли сифатида қолди. Марям Султонмуродова қаламига мансуб кўплаб мақола ва очерклар, ҳикоялар унинг юксак иқтидоридан дарак беради. Марям Султонмуродова илм-маърифат фидойиси, бардошли журналист, меҳрли ҳамшира сифатида юртдошлари қалбида мангу қолди.

Баҳром ИРЗАЕВ,
тарих фанлари бўйича
фалсафа доктори

«Армия – ҳаёт мактаби». Бу сўзни кўп ва хўп эшитганмиз. Аммо ҳеч эътибор берганмисиз, қуролли тўқнашувларнинг бевосита гувоҳи бўлган ёши улуглар ёки армия сафларида хизмат ўтаганлар бу даврни бошқача эслашади. Сабаби-чи? Чунки улар ташқаридан кўринганидек хулоса қилишмаган, армия ичида яшашган, мактабида товланишган.

Хуллас, бўш аравани чангли йўлнинг тупроғини чиқариб, у ёқдан бу ёққа олиб қочмоқчимасман. Кутилмаганда ҳарбий хизматга кетадиган бўлдим. Биринчи ишим мақтаниш бўлди: «Хизматга кетяпман, келаси ой!» Шу гапни айтиш ҳам одамни бир қоп семиртирди. Чунки яқинларимга бу насиб қилмаган. Хоҳиш бўлган, имкон бўлмаган. Лекин мен кетяпман... Хизматга жўнашга бир кун қолганда сочимни тагидан олиб ташладим. Қишнинг қоқ ўртасида «кал» бўлиб юрганимни кўрганлар сабабини сўрайди, албатта. Яна мақтанаман: «Армияга кетяпман!»

Тонг саҳарда Навоий шаҳридаги ҳарбий қисмга ҳаммадан олдин борволдим. Бошқалар ҳам кела бошлашди. Ҳамтуманларимни изладим. Баъзиларини топдим. Салом-алик қилиб қўйиб, бир ой улар билан бирга бўламиз, десам, баъзилари эринибгина кўл чўзиб қўйди. Э, қойиле, деворгим келди. Белгиланган вақт бўлгач, ҳудудларга кўра бўлинма-бўлинма бўлиб, ҳарбий қисм ичкарасига кирдик. Сумкалар, чўнтаклар текширилди. Ортиқча нарсалар – сигарету носвойлар ахлатга ташланди. Армияда рухсат берилмаслигини ё билишмаган, ё йўлини қиламиз, деб ўйлашган.

Энг қизиғи бошланди. Нима десам экан – ота-онасининг «болам-болам»ига ўрганган қулоқлар баланд овоздаги топшириқларни, танбеҳларни эшитиб, зумда довдираб қолди. «Икки қатор бўлиб сафлан!» «Ўнг томондан ичкарига қадам бос!» «Кийимлар ечилсин, икки дақиқа вақт». Ҳамма югургилаб қолган. Кимдир кулворади орада. Эсиз, эшитадиганини эшитди, шўрлик. Буни кўриб, бошқалар ҳам сергакланади. Тана кўриги ўтказилди. «Кийиниб, ташқарига сафлан, икки дақиқа вақт». Ёнимдаги шеригим секин гапиради: «Нима, икки дақиқадан бошқа вақтни билмайдими?» Тезда атрофга қараб қўяди: «Ҳеч ким эшитмадимикин?»

Ташқарида гуруҳларга бўлиндик. Иккинчи взвод, биринчи гуруҳга тушдим. «Олий маълумотлилар қўлингни кўтар. Сафдан чиқ. Гуруҳга қараб тур. Ўзингни таништир».

Сафдан чиққан 4 киши ўзимизни таништирдик. Ўша баланд овоз яна эшитилди: «Гуруҳга фаол тайинлаш керак. Ўзларингга маъқул келганига қўл кўтариб, овоз бер. Биринчига 4 та, иккинчига 3 та, учинчига 15 та.



САФДА ҲАММАСИ БОШҚАЧА

Демак, сен гуруҳга фаолсан! – деди менга қараб. – Вазифаларинг тушунтирилади. Сафга тур!»

Ҳарбий қисм ҳудуди, хоналар таништирилди. Ҳарбий кийим-бошлар тарқатилди. Кийиб, яна сафландик. Взвод командири гуруҳ командирлари билан таништириб бўлгач, сафдагиларга қарата шундай деди:

– Бугундан сизлар сафарбарлик чақирuvi резерви хизматчилари – оддий аскарсизлар. Олдиларингизга қўйилган вазифага масъулият билан ёндашинг. Берилган топшириқларни ўз вақтида бажаришингиз, Умумҳарбий низомлар талабларига бўйсунингиз, аскар мажбуриятларига риоя қилишингиз талаб этилади. Яна такрорлайман: ташқарида ким бўлганингизни унутинг, сафдошларингиздан ўзингизни устун қўйманг. Бу ерда ҳаммангиз тенг – бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун. Шундагина Ватан олдидаги йигитлик бурчингизни ёруғ юз билан адо этасиз. Бугундан бошлаб белгиланган кун тартибига кўра ҳаракатланасиз. Қолган масалалар кун давомида етказиб борилади. Гуруҳ командирлари, шахсий таркиб сизларнинг ихтиёрингизда.

Айтилганидек, бирин-кетин билишимиз керак бўлган жиҳатлар ўргатилди. Офицер ва сержантлар таркибига мурожаат этиш, сафда юриш, дарс машғулоти ўтиш вақтлари, кийиниш тартиби. Хуллас, тонгда кўз очганимиздан уйқуга рухсат берилгунича бўлган вақтда аскарнинг хатти-ҳаракатлари тушунтирилди. «Аввал ўргатамиз, кейин талаб қиламиз».

Ҳарбий қисмдаги биринчи тун. Кун давомида ортиқча гап-сўздан тийилган аскарлар дардини «тўкиб-сочди»: «Синфдошларим яқинда келганди. Ҳаммаси зўр, маза қилиб дам олиб келасан, деганди. Асабийлашиб кетяпман. Оёқларим зирқираб оғрияпти, оёқ кийим ҳам шунчалик оғир бўладими? Бир кунда қабариб кетди. Келмасам бўларкан ўзи. Шусиз ҳам куним ўтиб турувди. Қанча ишим қолиб кетди. Телефонам, интернет ҳам йўқ. Зеркиб ўлай деяпти одам...»

Шу каби арзонликдан кейин ҳамма бирин-кетин уйқуга кетади. Тонгги соат олти. Навбатчининг баланд овоздаги: «Взвод уйғон!» «Взвод уйғон!» «Взвод уйғон!» деганидан ҳамма ўрнидан туради. Ҳали ўрганмаган, уйқу аралаш ётоғида ўтирган, сафланишга улгурмаганлар дакки эшитади. Бошқалар ҳам. «Тарқал!» деган буйруқ бўлади. «Сафлан!» «Тарқал!» «Сафлан!» Ҳолат такрорланади. «Бошида айтилди сизларга: бир киши ҳамма учун, ҳамма бир киши учун жавоб беради». Ташқарида сафланамиз. Тонгги бадантарбия. Нонушта. Ўқув машғулоти.

– Гуруҳнинг ҳарбий ва маънавий-маърифий тайёргарлик машғулоти мана шу хонада олиб борилади. Машғулотлар вақтида ухлаб қолиш, беъэтибор ўтириш, стол устига бош қўйиш мумкин эмас.

Гуруҳ командири қоидаларни тушунтириб, машғулотни бошлайди. Орадан ярим соат ўтар-ўтмас, қоидалар бузилади. Гуруҳ жазоланади, ўша аскар билан бирга. Тушдан кейин саф тайёргарлиги бошланади. «Бир» деганда чап оёқ тушиши керак. Ўнг қўл кўкрак қафаси устида бўлади. Сафлан! Тўғрига қадам бос! «Бир», «бир», «бир», «бир, икки, бир». Жуда ёмон. Ортга! Югур! Қайтарилсин.

Хуллас, қанча ҳаракат қилмайлик, маъқул бўлмади. «Нимага бунақа? Бир деганида ташлапмиз-ку чап оёқни!..» Норози бўламиз ўзимизча.

- Гуруҳ фаоли!
- Мен!
- Олдимга!
- Хўп бўлади!

Югуриб бораман. «Гуруҳга команда бер!» Айтилгандек қиламан. Четдан кузатганда яққол кўринаркан. Жуда ёмон. Мехнат қилиш керак. Саф майдонида неча соатларимиз ўтади. Оёқлар оғрийди. Кимдир норози бўлади... Барибир топшириқни бажариш керак.

Ўн кун ўтди. Анча мослашиб қолдик. Зерикмай ҳам. Қоидаларни ўрганиб олиб, айтилгандек қила бошлаганимиздан сўнг кунимиз енгиллашгандек бўлди. Тушундикки, топшириқни тўғри бажариш, энг муҳими, барчамиз бирдек ҳаракат қилишимиз ўзимиз учун фойдали. Дакки эшитмайдиган, жазоланмайдиган, навбатдан ташқари навбатчиликка турмайдиган бўлиб қолдик. Лекин бир муаммо – саф тайёргарлигимиз ноль! Фақат шу муаммолигича қоляпти. Бир хил қадам ташлаш учун турли усуллардан фойдаланиб кўрдик. Барибир фойдасиз. Сафдошлар билан шахсий вақтда шу ҳақда гаплашдик. Мустақил яна шуғулланамиз. Кўпроқ ишлаймиз. Ҳамманинг гапи бир ердан чиқди. Рухсат олиб, 3-4 соатлар чамаси шуғулландик.

Тунги саф. Давлат мадҳиясини куйлаб бўлгач, гуруҳ бўлиб батальон командирининг олдида ўтамиз. Подполковник гуруҳ командиримизга нимадир деди. Унинг ёнида сафлашимизни буюрди. Олдимизга келиб, батальон командирига бизнинг саф тайёргарлигимиз маъқул келганини барча гуруҳларга намуна қилиб кўрсатмоқчилигини айтди. Батальон командирининг ўзи гуруҳимизга буйруқ берди: «Гуруҳ! Текислан! Ростлан! Қадам бос!» Мана сенга шармандалик. Яна аввалги ҳолатга келиб қолдик. Бошқа гуруҳларда кулганлар ҳам бўлди. Оғир ботди. Гап тегиб қолса керак, деб турибмиз. Йўқ, унақа бўлмади. Батальон командири саф тайёргарлиги яхшилигини, аммо аскарлар психологияси билан, ҳаяжонни енгиш устида

яна озроқ ишлаш кераклигини айтди. Бу гап бошқача таъсир қилди. Нима бўлганда ҳам бошқа гуруҳлар олдида яна уялиб қолмаслигимиз керак эди. Шундай ҳам бўлди. Кейин сонини аниқ билмайман, неча маротаба сафда юрган бўлсак, бошқа гуруҳлардан олдинда эдик. Буни бошқа гуруҳ командирлари ҳам тан олди. Муҳими нимада эканини тушунгандик. Сафда ҳамма бир-бирини ҳис қилиши, бирдек ҳаракатланиши, кимнидир айбдор қилиш билан иш битмаслигини тушундик, холос...

Ҳарбий тайёргарлик машғулоти давомида замонавий компьютер технологиялари ёрдамида ўқ отиш жараёнларини ўргандик, полигонга чиқадиган кунимизни, ҳақиқий автоматдан ўқ отишни кутдик. Бу давргача ҳаммамиз бир-биримизга ўрганиб, қалинлашиб бўлдик. Хизмат бошидаги ўзига хос характерлар қолмаганди. Полигон таассуротлари, ўрганганларимизни амалда қанчалик қўллай олишимизни синадик. Ҳақиқий ўқ, автомат, порох ҳиди...

Хизматимиз якунланишига санокли кунлар қолган сари ҳамма бир гапни айтади. «Йўқолиб кетманглар, хабарлашиб турайлик, дўстлар. Кўришиб тураемиз»...

Ҳа, сафдошлик меҳри юракка сингиб бўлди.

Ватанга қасамд қилиш кунни. Юрагимизда бошқача ҳаяжон. Яқинлар олдида сафда, ҳарбий либосда, мағрур туришнинг гашти ўзгача. Хотирага ўчмас бўлиб муҳрланди.

Сафда «Мен, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари сафига кирар эканман, давлатим тимсоли бўлмиш муқаддас байроқни ўпиб, буюк аждодларимнинг пок руҳлари олдида, Ватаним олдидаги бурчимни ҳалол бажаришга бел боғлаб, виждоним, ор-номус ва шаънини ўртага қўйиб:

...ҳар қандай шароитда ҳам ўз бурчимни виждонан бажаришга, ҳар қандай синов ва қийинчиликларда ҳам эл-юртининг юксак ишончини оқлашга тантанали равишда қасамд қиламан!» деган сўзлар жаранглайди. Бу йигитлик онти. Юракка муҳрланган онти.

Аслида бошида айтишим керак бўлган бир жиҳат ҳам бор. Мана, икки йил бўляптики, «Vatanparvar» бирлашган таҳририятида фаолият юритаман. Иш юзасидан доимий ҳарбий қисмлар, олий ҳарбий таълим муассасалари, полигонлардаги амалий машғулотларни кузатиш имконига эгаман. Армия ҳаёти ҳақида ўз фикрларим, таассуротларим бор.

Кунлик ҳаётимиз давомида машина ҳайдовчиларини кўрамиз. Йўл ҳаракати қоидаларини, ҳаракат талабларини машина механизмларини биламиз, тушунамиз. Лекин ҳеч улов ҳайдаб кўрмаганмиз. Қачонки, ҳайдовчи сифатида ҳаракат иштирокчиси бўлсакки, ундаги масъулиятни сезамиз. Машаққатю завқини туямиз. Менда ҳам худди шундай бўлди. Аскарлигимда Қуролли Кучларимиз сафиде хизмат қилаётган минг-минглаб ўғлонларнинг ҳаётий ҳақиқатларини англадим. Неча маротаба кўрганларимнинг асл моҳиятини бир ой давом этган хизмат даврида яна ҳам яхшироқ тушуниб етдим.

Ҳали айтмоқчи бўлган гапларим анчагина. Лекин армия ҳаёти ҳақида бундан ҳам олдин ёзилган, кейин ҳам ёзилади. Аммо аскар бўлиб сафда турмагунча инсон кўп нарсаларни англаб етмайди, тушунолмайди. Қачонки, ўзингиз шу кунни бошдан кечирасиз, бир умрлик сабоқларни оласиз.

Хулоса қилсам: боринг, сафга қўшилиш. Сафдошларингизни топинг, бўлажак ўртоқ оддий аскарлар!

Рўзиқул ОЧИЛОВ,
 «Vatanparvar»

Элмира опа кўзини очиб, оқликка ўралган хона шифтига, деворларига бир муддат ҳолсиз термилиб турди. «Мен қаердаман, нима бўлди менга?..» хаёл ичида ён-атрофга қараган аёл ёнгинасида мунғайиб ўтирган онасига кўзи тушди.

– Хайрият, ўзингга келдингми, қизим? – қароғига ёш тўлди Рима холанинг.

– Она, мен...

– Шифохонадасан, қизим, юрагинг озгина толиқибди. Дўхтирлар қизингиз кўзини очса, қақиринг, деганди. Ҳозир...

Рима хола ёшига ярашмаган эпчиллик билан ташқарига шошилди. «Саксонга яқинлашган онам менга қараса-я, – ўпкаси тўлди Элмира опанинг. – Уйда ёлғиз қолган дадам ҳам безовта бўлса керак», дилида кечаётган ўй сўнгига етмай, эшик олдида Рашид ака кўринди. Отасига кўзи тушган аёл астойдил йиғлаб юборди.

– Бўлди, бўлди, сенга йиғлаш мумкин эмас, қизалоғим, – Рашид ака эликдан ошган «қизалоғи»нинг пешонасидан ўпди. – Юракни авайлаш керак. Ёлғиз эмассан, ёнингда биз бормиз, болам...

«Таниш сўз, таниш ҳолат, жуда ҳам таниш», отасига ёшли кўзлари билан мунгли термилиб турган Элмира опа хаёлан олисларга юзланди.

* * *

Шўх-шаддод Элмира отаси каби офицер йигитга турмушга чиқди. Эри Ҳамид унинг кўнглидаги, у кутган турмуш ўртоқ эди. Аёл зоти борки, севимли ёри ёнида бўлса, барча қийинчиликка чидайди, ҳар қандай шароитда чўл гуллари каби яшнаб тураверади. Элмира ҳам Ҳамидга бўлган муҳаббати сабаб ҳарбий ҳаёт синовларида эрига қўшқанот бўлди. Йиллар ўтиб, оналик бахтига эришди, ўғилчаси Равиль оила қувончига айланди. Элмира бахтли эди, жуда бахтли. Токи эрининг феъли ўзгаргунга қадар...

– Қизим, уканг ўғилли бўлди!

– Аваз фарзанд кўрдими? – онасининг суюнчили хабари уни шоштириб қўйди. – Нуриянинг аҳволи яхшими? Эртагаёқ йўлга тушаман. Сизларни роса соғинганман, шу баҳона кўриб келаман.

– Узоқ йўл, кейин эрингни ёлғиз ташлаб...

– Ҳамид ака эртага хизмат сафарига кетяпти, яқин уч ҳафтада қайтади, – Рима опани тинчлантирди Элмира.

– Ундай бўлса, яхши, биз ҳам Равилни жуда соғингандик.

– Мени-чи-и?..

Телефондаги суҳбат кун ўтиб дийдорлашувга, юзма-юз дардлашишга уланди. Набира кўрган Рашид ака ва Рима опанинг қувончи ўзгача эди.

– Мана, бизнинг ҳам энди набиремиз, овунчоғимиз бор, – Рашид ака мамнунлигини дилига сиғдира олмасди. – Равилни соғинсак, энди йўлингга кўз тутиб ўтирмаймиз. Ҳарқалай Авазнинг боласи ёнимизда бўлади. Ўғлингники ўзингники, дейишади-ку.

– Эшитдингизми, опа, ўғилнинг фарзанди бошқача бўлади, – ҳазиллашди Аваз. – Чунки бобо-бувиси катта қилади.

– Войбўй, биз четга сурилиб қолдикми энди? – ўпкаланган бўлди Элмира. – Айтиб қўяй, дада, Равилнинг ўрнини ҳеч қайси набирангиз боса олмайди.

– Тўғри айтасан, қизим, биринчи набира барибир биринчи-да! – эрка қизининг фикрига қўшилди Рашид ака...

Элмира ота-онаси бағридан бир олам таассурот билан қайтди. Чақалоқни туғуруқхонадан олиб чиқиш, меҳмон кутиш, келинлари Нурияга чақалоқ парваришига ёрдамлашиш... Икки ҳафта қандай ўтганини сезмай қолган жувон эрини соғинганини ҳис қилди. Унинг хизмат сафаридан қайтишини интиқ кутди. Аммо Ҳамид оиласига ўзга қиёфада қайтди. Совуққон, терс, хотини ва фарзандига бепарво... Аёл эридаги ўзгаришни илк нигоҳидан сезди, «наҳот, хиёнат қилган?.. Йўқ-йўқ, бундай бўлиши мумкин эмас...» дардини ичига ютди у.

воз кечса кечадики, Нуриядан воз кечмайди. Буни билган хотини бирга кетмасанг, ўзим кетавераман, деб укангни кўрқитган бўлса керак. Энг ёмони, бошқа давлатга кетаётганини бир соат аввал билдирди. Улар кетгандан кейин даданг юрагини ушлаганича... – йиғидан ўзини тўхтата олмасди Рима опа.

– Нега йиғлайсиз, ойижон? Бундай ўғилнинг боридан йўғи яхши! Бахтимизга дадам яхши бўлсин.

– Расуловнинг яқинлари ким? – жонлантириш бўлими эшигида ҳамшира кўринди. – Бемор кўзини очди.

– Худого шукур, – ҳамшира томон шошилди Элмира. – Кўрсак бўладими?

– Фақат бир киши беш дақиқага кириши мумкин.

– Ойижон, мен...

– Майли, болам, сен кира қол, даданг сени кўрса, дарди енгиллашади. Равиль ухлаб қолмаганда олиб кирардинг.

– Бола билан кириш мумкин эмас! – ҳамшира огоҳлантириш асносида Элмирага халат тутқазиб, уни ичкарига бошлади.



Элмиранинг ҳаётидаги кўн-гилсизликлар шундан бошланди. Отасининг хизматдан қайтишини кутиб, «дадажон», деб Ҳамидга интилиб турадиган ўғилчаси ҳам хиёнаткор эркакнинг кўнглини эрита олмасди. Нобакор Ҳамид бора-бора хотинига қўл кўтаришга ўтди. Оиласини асраш учун сабр этагини тутган Элмира шунда ҳам эридан узоқлашишни истамади.

– Қизим, отанг дўхтирга тушиб қолди, аҳволи оғир, – тонг саҳар онасидан келган хабар Элмирани довдиратиб қўйди.

– Нима?.. Нима қилди дадамга?

– Уканг қутилмаганда бизни ташлаб, оиласи билан кўчиб кетди. Шунга даданг... – телефонда Рима опанинг ўқсиб йиғлагани эшитилди-ю, алоқа узилди.

«Аваз қаёққа кетади, нима учун кетади?» онаси билан қайта боғлана олмаган Элмира сўнгсиз саволлар оғушида ўғилчаси билан ота-онаси томон шошилди. Отасининг ҳушига келишини кутиб, онаси билан шифохонада тонг оттирди.

– Уканг меҳрибон эди, доим кўнглимизга қарарди, уни хотини йўлдан урди, – тун давомида бор ҳасратини тўкиб солди Рима опа. – Нурия ота-онам олдида яшаймиз, деб туриб олгани аниқ.

– Ҳамма айб Авазда, ойи, хотини қаёққа етакласа, ўша ерга кетаверадими?

– Қизим, уканг хотинини ўлардек яхши кўради, биздан

Элмира кўзида ёшу, юзида табассум билан отасига юзланди.

– Дадажон, ҳали ҳаммаси яхши бўлади, – отасининг юзига кўзини босди Элмира. – Укам албатта, хатосини тушуниб етади. Ёлғиз эмассиз, ёнингизда биз бормиз. Юракни авайлаш керак, дадажон...

Рашид аканинг саломатлиги тикланиб, шифохонадан чиқди. Аммо нобакор ўғил ортига қайтмади. Кўн-гилсизликлар бир келса, баравар келади, деганларидек, Ҳамид Элмирага ажрашиш қарорини билдирди. Жувон қаршилиқ қилмади, тўғрироғи, ҳаракати бесамар эканини англаб етганди. Бир томондан у айна дамда ота-онасига керак эди.

Йиллар... Элмирани минг бир синовдан ўтказган йиллар... Гўзал жувонга ошиқ бўлганлар, қўлини сўрагувчилар кўп бўлди. Рашид ака билан Рима опа набираларини ўзлари билан олиб қолиб, қизини узатишни ишташди. Лекин жувон боласидан бир қадам узоқлашишни ҳам, унинг ўғай ота қўлида улғайишини ҳам истамади. Равилни ҳар қандай бахтдан устун қўйди, барча оналар каби ўғли учун жонини фидо қилишга тайёр эди у...

– Опа, – телефонда ҳорғин товуш эшитилди, – мен Авазман.

– Аваз, сенмисан? – ойда-йилда бир кўнғироқ қиладиган укасининг овозини танимади Элмира. – Овозинг...

– Хасталаниб қолдим, шунга товушим ўзгарди, назаримда.

Бугун йўлга чиқяпман, эртага олдиларингда бўламан.

– Янгилик-ку! – ҳайратини яширмади Элмира. – Наҳот, келишинга Нурия рухсат берган бўлса? Сенинг қандайлигингни унутиб ҳам қўйгандик. Орадан ўн беш йил ўтди ахир!

– Опа, эртага гаплашамиз.

Аваз йўтал аралаш хириллаган товуш билан базўр сўнгги сўзини айтди-ю, телефон ўчди. Элмира нима гаплигини тушунмай, бир муддат ўйга ботганча қотиб турди. Сўнгра бу ҳақда ота-онасини хабардор қилишга қарор қилди.

Рашид ака билан Рима опа бу хабарни совуқ қарши олди. Олтмишдан ошган кексалар бемехр ўғилдан нима ҳам кутарди. Аммо... Эндигина қирқдан ошганига қарамай, сочлари оқариб кетган, ранги афтода Авазнинг бедаво дардга чалингани яқинларини эсанкиратиб қўйди.

– Ҳамма тахлиллар бир хил натижани кўрсатяпти, – Элмирага тушунтирди шифокор. – Укангиз узоғи билан бир йил яшай олади. Шунда ҳам шифокор назоратида, чуқурлаштирилган муолажалар олиб турса.

– Балки, чет давлатга олиб борсак...

– Қайси давлатга олиб борманг, шу жавобни оласиз. Истасангиз, барча тахлил жавобларини юбориб кўришингиз мумкин.

– Гапингиз тўғри, ўзи яқинда чет давлатдан келди.

– Укангиз айтди. Лекин тушунмадим, даволанса ўтиб кетадиган оддий касаллик бепарварлик сабаб оғир хасталikka айланган. Энди бу ёғи Аллоҳдан...

Шифокор айтганидек, Аваз узоқ яшамади. Қайғули томони, у хотини ва болалари йўлига кўз тутди. Ҳеч бўлмаганда, телефон орқали уларнинг товушини эшитишга зор бўлди. Бироқ йироқдаги «яқинлари» уни бутунлай унутганди...

* * *

Йиллар ўтиб, худди шу ҳолат Элмира опа ҳаётида такрорланди. Умрини бахшида этган фарзанди Равиль уйланди, қизалоқли бўлди. Жажжи Сафия хонадон қувончига айланди. Бироқ кўп ўтмай, Равиль бир кечада хотини Лаура билан чет давлатга кўчиб кетди.

– Дада, наҳотки, Равилнинг ҳаёти ҳам тоғаси каби яқунланса? – кўзидаги ёшни тўхтата олмасди Элмира опа.

– Ундай дема, қизим, ўғлинг ақлли, хатосини тушуниб етади, бағримизга қайтади. Сенга ҳозир умуман сиқилиш мумкин эмас, юрак дардини бошингдан ўтказдинг. Ҳали ҳаммаси яхши бўлади...

Элмира опа шифохонадан чиқди. У ҳарчанд ҳаракат қилмасин, юрагидаги айрилиқ дардини, кўксигаги соғинч изтиробини унута олмасди. Кўп қаватли уй ойнасидан узоқларга термилар экан, «кўзларим йўлингга, болам», деган илтижони бот-бот такрорларди...

SHOHSUPA

(xabarlar)

QILICHBOZLIK



Toshkentda qilichbozlik bo'yicha o'smirlar va yoshlar o'rtasida poyoniga yetgan qit'a chempionatida mamlakatimiz sportchilari umumiy hisobda 9 ta oltin, 3 ta kumush va 4 ta bronza medalga sazovor bo'lishdi. O'smirlar terma jamoamiz 3 ta oltin va bitta bronza medal bilan umumijamoa hisobida Janubiy Koreyadan keyin ikkinchi, yoshlarimiz esa 6 ta oltin, 3 ta kumush va 3 ta bronza medal bilan 38 ta davlat orasida 1-o'rinni egalladi.

VELOSPORT



Italiyada veloshosse bo'yicha "Trofeo Ponente in Rosa" ko'p kunlik poygasi nihoyasiga yetdi. Yakunlovchi beshinchi bosqichda O'zbekiston terma jamoasi a'zosi Yanina Kuskova uchinchi bo'lib marra chizig'ini kesib o'tdi. Sportchimiz "Parij – 2024" yozgi Olimpiya o'yinlari yo'llanmasi uchun qimmatli reyting ochkolariga ega bo'lish bilan birga musobaqani umumiy hisobda 2-o'rinda yakunladi. Kuskova musobaqaning "Eng yaxshi yosh poygachisi" yo'nalishi bo'yicha ham mukofotlandi.

SHAXMAT



Poytaxtimizdagi Xalqaro shaxmat akademiyasida "Women's Chess Championship" turniri bo'lib o'tdi. Sovrin jamg'armasi 50 ming AQSh dollarini tashkil etgan mazkur turnirda 10 ta xorij davlatidan 100 nafardan oshiq shaxmatchi ishtirok etdi. Nilufarxon Imomqo'ziyeva 14 yoshgacha, Aliya Nurmanova 16 yoshgacha, Zeynep Sultanbekova 20 yoshgacha bo'lgan shaxmatchilar o'rtasidagi bahslarda zafar qozondi. Yakuniy natijalarga ko'ra, "A" guruhida Valentina Gunina g'olib chiqdi. "B" guruhida g'olib va sovrindor bo'lganlar orasidan hamyurtlarimiz Zilola Aktamova, Ozoda Shahzodova, Malika Jumayeva, Sevinch Davlatova, Mumtozbeqim Mansurova ham o'rin oldi. "Osiyoning eng yaxshi yoshlar terma jamoasi" sertifikatini mamlakatimiz yoshlariga topshirildi.

TAEKVONDO



Minsk shahrida taekwondo WT bo'yicha Belarus ochiq chempionati o'tkazildi. Unda O'zbekiston terma jamoasining ikkinchi tarkib sportchilari ishtirok etishiga qaramay, bittadan oltin va kumush hamda 3 ta bronza medalni qo'lga kiritishdi. Vakillarimizdan Omonjon Otajonov (-54 kg) oltin, Iroda Mirtojdiyeva (+73 kg) kumush, Ozoda Sobirjonova (-62 kg), Diyor To'xtiboyev (-68 kg) va Marat Mavlonov (+87 kg) bronza medalga sazovor bo'ldi.

FUTBOL



Toshkentda davom etayotgan futbol bo'yicha yoshlar (U-20) o'rtasidagi Osiyo chempionatining chorak final bahslari yakunlandi. O'zbekiston yoshlar terma jamoasi Avstraliyani penaltilar seriyasida mag'lub etib, yarim finalga chiqish bilan birga joriy yil Indoneziya mezbonlik qiladigan jahon chempionatiga ham yo'llanma oldi. Shu tariqa O'zbekiston U-20 yoshlar terma jamoasi 8 yillik tanaffusdan so'ng yana bir bor mundialda ishtirok etish huquqini qo'lga kiritmoqda. Bu yoshlar terma jamoamiz uchun 5-jahon chempionati bo'ladi.

Niderlandiyaning Eyndxoven shahrida taekwondo WT bo'yicha "Dutch Open" xalqaro turniri o'tkazildi. Unda qatnashgan O'zbekiston terma jamoasining 8 nafar a'zosidan 5 nafari sovrindor bo'ldi. Qo'lga kiritilgan 5 ta medalning 4 tasiga Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi (MVSM) vakillari erishdi. Muxlislar sovrinlar uchun kurashda o'zbekcha duelga ham shohid bo'lishdi.

EYNDXOVEN SHAHRIDA

O'ZBEKCHA DUEL



2022-yilgi mavsumda Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazi vakillari yurtimiz terma jamoalari tarkibida yigirmadan ortiq sport turi bo'yicha qit'a va jahon chempionatlari, kubok bahslari, V Islom birdamlik o'yinlari va boshqa bir qator xalqaro musobaqalarda qatnashib, 89 ta oltin, 59 ta kumush, 72 ta bronza, jami 220 ta medalni qo'lga kiritishgandi. Armiyamiz sportchilarining muvaffaqiyatlari sharafiga dunyo arenalarida yurtimiz bayrog'i 220 marta yuqori ko'tarildi, g'oliblik sharafiga uchun 89 marta davlatimiz madhiyasi yangradi. Sermahsullik bobida MVSM taekvondochilari 2022-yilda ham avvalgi mavsumlardagi kabi ilg'or bo'lishdi. Taekwondo (WT) bo'yicha armiya vakillari O'zbekiston milliy terma jamoasi tarkibida dunyo birinchiligi, XXV Osiyo chempionati, V Islom birdamlik o'yinlari va boshqa bir qator xalqaro musobaqalarning 17 ta oltin, 6 ta kumush va 14 ta bronza, jami 37 ta medalni qo'lga kiritishdi.

Taekvondochilarimiz bu yilgi mavsumni ham shijoat bilan boshlashdi. Yaqinda ular taekwondo WT yillik taqvim rejasidan o'rin olgan nufuzli turnirlardan biri – "Fujairah Open – 2023"ning 6 ta oltin, 2 ta kumush va bitta bronza, jami 9 ta medalni qo'lga kiritishgandi. O'tgan hafta esa Niderlandiyaning Eyndxoven shahrida o'tkazilgan "Dutch Open" xalqaro turnirida ham katta mahorat namoyish etishdi. "Parij – 2024" yozgi Olimpiya o'yinlari uchun muhim reyting ochkolari taqdim etiladigan mazkur turnirda Pavel Xan boshchiligidagi terma jamoamiz murabbiylari qarori bilan 8 nafar taekvondochimiz qatnashdi va yakunda ularning 5 nafari shohsupaga ko'tarildi. Sovrindorlarning 4 nafari armiya taekvondochilari bo'ldi.

Mudofaa vazirligi Oliy sport natijalarini rivojlantirish markazining, o'z navbatida, mamlakatimiz terma jamoasining yetakchi taekvondochilaridan biri, "Tokio – 2020" yozgi Olimpiya o'yinlari g'olibi Ulug'bek Rashitov joriy yildan har doimgi -68 kg emas, balki -74 kg vazn



toifasida dayanga chiqmoqda. Albatta, vazn o'zgartirish va yangi raqiblarga qarshi bahslashishning o'ziga xos murakkabliklari mavjud. Shunga qaramay, MVSM vakili bu yil ikkita xalqaro turnirda ham ushbu g'olibligini takrorlashi uchun unga milliy terma jamoamiz a'zosi, boz ustiga, MVSM vakili Jasurbek Jaysunov yo'l bermadi. Bu ikki vakilimiz "Dutch Open" xalqaro turnirining yarim finalida o'zaro to'qnash keldi. Mashg'ulotlar paytida ham bir-birining uslublarini yaxshi bilib olgan bu ikki sportchi qarama-qarshiligida, ya'ni "o'zbekcha

duel"da omad Jasurbekka kulib boqdi. Jaysunov finaldagi raqibini ham mag'lub etib, "Dutch Open"ning oltin medalini qo'lga kiritdi, Ulug'bek Rashitov esa bu safar bronza medal bilan kifoyalandi.

MVSM a'zosi Nikita Rafalovich (+87 kg) uzoq muddat davom etgan jarohat asoratlardan qutulib, o'tgan yilgi jahon chempionatida bronza medalli bo'lgandi. U Niderlandiyadagi xalqaro turnirda ham yuqori mahorat namoyish etdi – barcha raqiblaridan ustun kelib, yakunda g'oliblik shohsupasiga ko'tarildi.

"Dutch Open"da vakillarimiz erishgan uchinchi oltin medalga esa -80 kg vazn toifasida bahslashgan terma jamoamiz a'zosi Shuhrat Salayev sazovor bo'ldi.

MVSM ning mahoratli taekvondochisi Svetlana Osipova (+73 kg) o'tgan yili V Islom birdamlik o'yinlari va dunyo birinchiligida chempionlikka erishgandi. Ushbu g'oliblikni bu yil Niderlandiyadagi xalqaro turnirda ham takrorlashi uchun unga biroz omad yetishmadi va bronza medal sohibiga aylandi.

Shunday qilib, Niderlandiyaning Eyndxoven shahrida taekwondo WT bo'yicha poyoniga yetgan "Dutch Open" xalqaro turnirida mamlakatimiz sportchilari 3 ta oltin, 2 ta bronza medalni qo'lga kiritishdi. Taekvondochilarimiz ushbu muvaffaqiyatlari bilan kelgusi yil Fransiya poytaxtida o'tkaziladigan yozgi Olimpiya o'yinlari yo'lida muhim reyting ochkolariga ham ega bo'lishdi.

"Dutch Open" xalqaro turnirida shohsupaga ko'tarilgan sportchilar:



OLTIN MEDAL SOHIBLARI:
-74 kg: Jasurbek Jaysunov (MVSM)
-80 kg: Shuhrat Salayev
+87 kg: Nikita Rafalovich (MVSM)

BRONZA MEDAL SOHIBLARI:
-74 kg: Ulug'bek Rashitov (MVSM)
+73 kg: Svetlana Osipova (MVSM)

Endi taekvondochilarimiz 18-19 mart kunlari o'tkaziladigan "Belgian Open" xalqaro turnirida ishtirok etishadi.

Toshkent. Ertalabki 7:00. Shiddatli yomg'ir yog'ishiga qaramay, minglab sportsevar hamyurtlarimiz "Humo arena" majmuasi oldidagi maydonda Toshkent xalqaro marafoni hamda "Yangi nafas" ommaviy yugurish musobaqasida ishtirok etish uchun jam bo'lishdi.

“BIR VATANDA, BIR VAQTDA, BIR MASOFAGA...”



“Bir Vatanda, bir vaqtda, bir masofaga, bir maqsadda, birga yuguramiz!” shiori ostida o'tkazilgan yugurish marafoniga ana shunday o'ziga xos nom berilgani bejiz emas. Zero, ommaviy sport tadbirlari kishiga jismoniy quvvat berishi, salomatligini tiklashi barobarida yurtdoshlarimizning yagona maqsad yo'lidagi hamjihatligini, yangi-yangi maralarga intilayotgan yoshlarimizning g'ayrat-shijoatini ham namoyish etadi.

Beshinchi bor tashkil etilgan ushbu marafon “World

Athletics”ning xalqaro musobaqalar taqvimiga kiritilgan bo'lib, unda 34 mamlakatdan tashrif buyurgan sportchilar musobaqada qatnashish istagini bildirishdi. “Yangi nafas” ommaviy yugurish musobaqasining moslashuvchan formati yurtimizning 14 ta shahrida bir vaqtning o'zida o'tkazilib, unda jami 75 mingdan ortiq ishtirokchi qatnashdi.

Musobaqaning ochilish marosimida O'zbekiston Respublikasi Prezidenti huzuridagi Xavfsizlik kengashi kotibi,

O'zbekiston triatlon federatsiyasi raisi Viktor Mahmudov, Yoshlar siyosati va sport vaziri Adham Ikramov, Milliy olimpiya qo'mitasi bosh kotibi Oybek Qosimov bu kabi ommaviy sport tadbirlari mamlakatimizda ilgari surilayotgan sog'lom turmush tarzi ko'nikmalarini ommalashtirish barobarida el-u yurt manfaati yo'lida bir maqsad sari intilish hissini kuchaytirishga, yoshlarni birlashtirishga xizmat qilishini ta'kidladi.

Shundan so'ng bellashuvlarga start berildi. Unda minglab havaskor

va professional sportchilar 3 va 10 km, yarim marafon va marafon yo'nalishlarida bahs olib borishdi. Kutilganidek, musobaqada Keniyada tayyorgarlik ko'rgan Mudofaa vazirligi Janubi-g'arbiy maxsus harbiy okrugi kichik serjanti Shohrux Davlatov yarim marafon dasturida 1:03:37 vaqt ko'rsatkichi bilan marra chizig'ini birinchi bo'lib kesib o'tdi va mamlakat rekordini yangiladi.

Hududlarda o'tkazilgan “Yangi nafas” musobaqasining odilona va shaffof tarzda o'tkazilishini

ta'minlash maqsadida Yengil atletika federatsiyasi tomonidan tayinlangan 250 nafar malakali hakam va murabbiy hamda 300 nafarga yaqin ko'ngilli jalb etildi. Oliy ta'lim, fan va innovatsiyalar vazirligi vakillarining so'zlariga ko'ra, mamlakatimizdagi 57 ta oliy o'quv yurtidan 25 mingdan ortiq talaba mazkur bellashuvlarda ishtirok etib, yakunda sovrinli o'rnlarni qo'lga kiritishdi.

Sherzod EGAMBERDIYEV, “Vatanparvar”

ОЗИК-ОВҚАТ

Овқатдан захарланиш касаллик қўзғатувчи микроблар ёки захарли моддалар билан ифлосланган овқатни истеъмол қилиш натижасида келиб чиқадиган касаллик ҳисобланади. Овқатдан захарланиш асосан икки гуруҳга бўлинади. Микробларга алоқадор бўлган захарланишлар ва микробларга алоқадор бўлмаган захарланишлар.

МАҲСУЛОТЛАРИДАН ЗАҲАРЛАНИШДАН САҚЛАНИНГ!

Микробларга алоқадор бўлган захарланишлар ҳам ўз навбатида икки гуруҳга бўлинади. Овқат токсикоинфекциялари касаллик қўзғатувчи – тирик микроблар (*ичак таёқчалари, салмонелла, протей*) билан зарарланган овқатларни истеъмол қилиш натижасида келиб чиқади. Овқат интоксикациялари эса микроблар томонидан ажратиб чиқарилган токсинлар билан зарарланган озиқ-овқатларни истеъмол қилиш натижасида содир бўлади.

Гўшт маҳсулотларининг салмонелла микроблари билан зарарланиши қорамоллар ва бошқа ҳайвонларнинг ҳаёти мобайнида касалга чалиниши ёки уларнинг жароҳатланиши натижасида содир бўлади. Салмонелла микроблари жароҳат олган ёки касалланган ҳайвон ичакларидан лимфа ва қон томирлари орқали ўтиб, уларнинг муқулларида тўпланиши мумкин.

Зўрма-зўраки сўйилган бундай қорамол ва бошқа ҳайвонларнинг гўшти хавфли ҳисобланади ва истеъмолга қўйилмайди. Қорамол, қўй ва эчкилар сўйилгандан кейин тана қисмларини бўлақларга бўлиш ва кесиш пайтида, бехосдан ичак қисмининг шикастланиши натижасида, ташиш, сақлаш қодалари кўпол равишда бузилганда ҳам салмонелла микроблари билан зарарланади.

Бундан ташқари, салмонелла инфекцияси яхши пиширилмаган ва ичак микроблари билан зарарланган товуқ ва ўрдак гўштлирини ҳамда уларнинг тухумларини истеъмол қилиш натижасида ҳам келиб чиқади. Салмонелла микроблари ошхоналарга овқат илинжида кирган сичқон ва каламушлар, пашшалар орқали ҳам озиқ-овқатларнинг зарарланиши ва захарланишини келтириб чиқариши мумкин.

Касаллик қўзғатувчи ичак таёқчалари ва протей микроблари тупроқда, озиқ-овқатларда ва сувда учрайди, уларнинг ташувчиси асосан одамлар ҳисобланади. Тайёр озиқ-овқатларга улар яхши ювилмаган қўл, ифлосланган кийим-кечаклар ва сифатсиз ювилган идиш-товоқлар орқали тушади. Бу касалликнинг тарқалишида пашша энг асосий хавф туғдирувчи манба ҳисобланади, чунки у ўз оёқлари билан ҳожатхоналардаги микробларни 1,5 км узоқликка олиб кетиши мумкин.

Овқат токсикоинфекцияларини келтириб чиқарувчи микроблар

юқори ҳароратга чидамсиз бўлиб, +75°C дан юқори ҳароратда бир-икки минут ичида ўлиб кетади. Лекин гўшт маҳсулотлари катта бўлақларда пиширилганда, муқул ичларига етарли ҳароратнинг ўтмаслиги натижасида, улар ўз ҳаётини сақлаб қолади. Масалан, салмонелла микробларини тўлиқ йўқотиш учун 400 гр гўшт парчасини 9 см қалинликда 2,5 соат қайнатишга тўғри келади. Микроблар совуққа ҳам чидамли бўлади, +4°C дан паст ҳарорат уларнинг кўпайишини тўхтатиши мумкин.

ОВҚАТДАН ЗАҲАРЛАНИШ АЛОМАТЛАРИ

Захарланишнинг дастлабки белгилари сифатсиз озиқ-овқатларни истеъмол қилгандан сўнг ярим соат ичида кузатилиши мумкин, лекин кўпинча 4-6 соат ичида, баъзан эса бир кундан кейин пайдо бўлади ва ошқозон-ичак қаватининг яллиғланиши, кўнгил айнаши, қайт қилиш, ич кетиши ва тана температуранинг 39-40°C гача кўтарилиши билан кечиши мумкин. Бундан ташқари, заифлик, бош айланиши, ошқозон соҳасида оғирлик ва оғриқли спазмлар, метеоризм, кўп миқдорда сўлак ажралиши характерлидир.

Овқат токсикоинфекцияларининг келиб чиқишига кўп ҳолларда ичак бактериялари оиласига мансуб бўлган салмонелла микроблари билан зарарланган гўшт, балиқ, консерва, сут ва қандолат маҳсулотларини истеъмол қилиш сабаб бўлиши мумкин. Стафилококк ва ботулинус таёқчалари томонидан келтириб чиқарилган захарланишлар ҳар хил кўринишда бўлади.

Стафилококк овқатдан захарланишларда яширин давр 2-3 соат, баъзи ҳолларда 6 соатгача давом этиши кузатилади. Захарланиш асосан юрак етишмовчилиги, совуқ тер чиқиши ва ҳолсизлик билан давом этиши мумкин. Икки ва уч кун ичида соғайиш юзага келади. Стафилококкдан захарланишда асосий касаллик манбаи ангина, конъюнктивит билан касалланганлар ва қўлларида йирингли яраси бор одамлар ҳисобланади. Улар қўллари ёки сўлақлари орқали озиқ-овқатларни шу микроблар билан зарарлайдилар ва натижада овқатдан захарланиш ҳолатлари келиб чиқиши кузатилади. Стафилококкдан захарланишларга мастит касаллигига чалинган қорамоллар-

дан соғиб олинган сут маҳсулотлари ва кремли қандолат маҳсулотлари ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Ботулизм токсинидан захарланиш оғир захарланишлар тоифасига мансуб бўлиб, токсин асосан ҳавосиз жойда кўпаядиган ва спора ҳосил қила оладиган ботулизм таёқчаси томонидан ишлаб чиқарилади. Касаллик аломатлари овқат истеъмол қилингандан кейин 12-36 соат ичида келиб чиқади ва асосан бош мия асаб тизимининг шикастланиши билан кечади. Касалликнинг дастлабки аломатларидан бири – кўз кўриш қобилятининг пасайиши, кўз олдининг қоронғилануви, кейинчалик тил, томоқ ва юз муқулларининг фалажланиши, ошқозон ва ичак муқуллари қисқаришининг пасайишидир. Тана ҳарорати меъёрда ёки бироз пасайган бўлади. Агар ўз вақтида токсинга қарши махсус даволаш муолажалари қўлланилмаса, бемор токсин таъсирида 2-3 кун ичида ҳалок бўлиши мумкин.

Ботулизм касаллиги келиб чиқишининг асосий сабабларидан бири – гўшт, балиқ ва сабзавотлардан тайёрланган консерва маҳсулотларини тайёрлашда ишлов ва стерилизация қодаларининг бузилишидир. Шунингдек, сифатсиз дудланган балиқ, колбаса маҳсулотларини истеъмол қилиш натижасида ҳам ботулизм касаллиги келиб чиқиши мумкин. Ботулизм токсини +100°C ҳароратда 15 минутда парчаланиб кетади, лекин ботулизм таёқчасининг спораси +120°C ҳароратда ҳам ўз ҳаётийлигини сақлаб қолади.

Микробларга алоқадор бўлмаган захарланишларга табиатдан ўз танасида захарли моддаларга эга бўлган балиқ маҳсулотларини, ўсимликларни ҳамда захарли моддалар билан зарарланган маҳсулотларни истеъмол қилиш сабаб бўлади. Ҳарбий қисмларда бундай захарланишлар озиқ-овқат устидан назорат пасайганда учраши мумкин. Истеъмолга яроқсиз бўлган қўзиқоринларни татиб кўриш ва уни овқат рационига киритиш оғир захарланишларни келтириб чиқаради.

Озиқ-овқат маҳсулотларига рух ва кўрғошин каби ёт моддаларнинг тушиши ҳам оммавий захарланишларни келтириб чиқариши мумкин. Айниқса, сирланмаган челақларда компот ва тузланган сабзавот-

ларни сақлаш жуда ҳам хавфли, чунки рух тузли муҳитда эрийди ва бунинг оқибатида захарланиш юзага келади. Озиқ-овқатларни сақлашда захарли дорилардан бўшаган идишларни зинҳор ишлатмаслик керак.

Ўсиб ва кўкариб қолган картошкани маҳсулотлари таркибида соланин моддасининг миқдори ортиб кетиши ҳам захарланишни келтириб чиқаради. Аслида картошка таркибида соланин миқдори 2-11 мг/кг дан ошмайди, лекин картошканиннинг ўсимталарида бу миқдор 420-730 мг/кг гача кўтарилиши ва захарланишни келтириб чиқариши мумкин. Соланин асосан картошканиннинг пўстлоғида кўпроқ миқдорда бўлиб, унинг миқдори картошкларда ҳар хил нисбатда бўлади. Сақлаш қодалари бузилган, кўпроқ очиқ ҳавода сақланган, устки қисми ўсиб кетган ва пўстлоғи яхши тозаланмаган картошка зарарланишга сабаб бўлади. Захарланиш ютинганда томоқда аччиқ таъмининг ҳосил бўлиши, кўнгил айнаши, беҳузурлик, оғир ҳолларда эса қоринда ўткир оғриқ бўлиши билан кечади.

Овқатдан захарланишнинг олдини олиш учун ҳарбий қисм ошхоналарида, умумий овқатланиш шаҳобчаларида ҳамда уй шароитида санитария-гигиена қодаларига қаттиқ амал қилиш, маҳсулотларни ташиш, ишлов бериш, тайёрлаш, тарқатиш пайтида пиширилган ва пиширилмаган озиқ-овқат маҳсулотларини микроблардан ҳимоялаш ва уларга қарши кескин кураш олиб бориш зарур.

Ҳарбий қисмларда, ташкилотларда, дам олиш масканларида, муассасаларда, болалар боғчалари ва ёзги дам олиш оромгоҳларида берилаётган озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати, уларни ташиш, тайёрлаш, тарқатиш, ходимларнинг тиббий кўриқдан ўз вақтида ўтиши устидан назоратни ёз ойларида янада кучайтириш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, ҳарбий хизматчилар, курсантлар ва озиқ-овқат хизмати ходимлари ўртасида тушунтириш, санитария ва оқартув ишларини амалга ошириш керак.

**Тиббий хизмат капитани
Д. ГАНИЕВ, МВ СЭНМ Қарши
санитария эпидемиология
назорати бўлими санитария-
гигиена бўлими бошлиғи**

O'QUV MASHG'ULOTI O'TKAZILDI

Toshkent harbiy prokuraturasi Favqulodda vaziyatlar vazirligi akademiyasi bilan hamkorlikda harbiy xizmatchilar va kursantlar ishtirokida "Yong'inlar yuzasidan tergovga qadar tekshiruv sohasidagi muammolar va ularning yechimlari" mavzusida ilmiy-amaliy anjuman o'tkazildi.



Anjumanda Toshkent harbiy prokuraturasi katta tergovchisi adliya kapitani A. Xaluminov ishtirok etib, qatnashchilarga tergovga qadar tekshiruv o'tkazish jarayonida yo'l qo'yilishi mumkin bo'lgan kamchiliklar va ularni bartaraf qilish bo'yicha zarur tavsiyalar berib o'tdi.

Tadbir davomida X. Sulaymonova nomidagi Respublika sud ekspertiza markazi mutaxassislari tomonidan yong'in-texnikaviy ekspertiza tayinlashda e'tibor qaratilishi lozim bo'lgan holatlar to'g'risida tushuntirishlar berib o'tildi.

Adliya podpolkovnigi Alisher QURBONOV,
Toshkent harbiy prokurorining yordamchisi

MUROJAATLAR YECHIMINI TOPMOQDA

Harbiy xizmatchilar va ularning oila a'zolarini ijtimoiy himoyalash va qo'llab-quvvatlash maqsadida Namangan harbiy prokuraturasi tomonidan Toifalangan obyektlarni qo'riqlash qo'shinlari qo'mondonligi bilan hamkorlikda Chust tumanidagi harbiy qismlarning birida sayyor qabul tashkil etildi.



Sayyor qabulda tuman favqulodda vaziyatlar va qo'riqlash hamda mudofaa ishlari bo'limlari harbiy xizmatchilari, Qurolli Kuchlar xizmatchilari va ularning oila a'zolari, harbiy pensionerlar va yoshlar ishtirok etdi.

Qabulda ishga joylashish, uy-joyga ega bo'lish, muddatli ipoteka krediti asosida olingan turarjoy uchun to'langan pul mablag'larining soliq solinmaydigan qismini qaytarish hamda tadbirkorlik faoliyatini yo'lga qo'yish, kommunal, harbiy guvohnoma olish masalalarida jami 20 ta murojaat qabul qilindi. Shundan 6 ta murojaatni hal qilish bo'yicha tegishli tashkilotlar bilan zarur chora-tadbirlar belgilab olingan bo'lsa, 4 tasiga huquqiy tushuntirish berildi hamda 10 ta murojaat joyida qanoatlantirildi.

Shuningdek, Chust tumani aholi bandligiga ko'maklashish bo'limi tomonidan mehnat yarmarkasi ham tashkil etildi.

Adliya mayori Ikrom ULKANBOYEV,
Namangan harbiy prokurorining o'rinbosari

SAYYOR QABUL

HAMKORLIKDAGI CHORA-TADBIRLAR

Navoiy harbiy prokuraturasi tomonidan Zarafshon shahrida joylashgan harbiy qismlarning birida jismoniy va yuridik shaxslarning murojaatlari, yoshlar, harbiy xizmatchilar va oila a'zolarining huquqlari, erkinliklari va qonuniy manfaatlarini amalga oshirishda yordam ko'rsatish hamda harbiy xizmatchilarning oilasini va yoshlarni ish bilan ta'minlash maqsadida ommaviy sayyor qabul o'tkazildi.



Sayyor qabul jarayonida Zarafshon shahridagi tashkilot va idoralardan tegishli soha mutaxassislari jalb qilinib, shahardagi harbiy qism va muassasalarda xizmat qilayotgan harbiy xizmatchilar hamda ularning oila a'zolari, harbiy pensionerlar ishtirok etishdi.

Qabulda murojaatchilarning ishga joylashish, imtiyozli uy-joyga ega bo'lish hamda tadbirkorlik faoliyatini yo'lga qo'yish masalalarida 22 ta murojaati tinglanib, 13 ta murojaat bo'yicha qisqa muddatlarda ko'rib hal qilish bo'yicha tashkilotlar bilan hamkorlikda chora-tadbirlar belgilab olindi, 9 ta murojaat bo'yicha huquqiy tushuntirishlar berildi.

Adliya katta leytenanti San'at SHODMONOV,
Navoiy harbiy prokurorining yordamchisi

TARG'IBOT

BESHTA MUHIM TASHABBUS

Guliston harbiy prokuraturasi tomonidan Mirzaobod tumani hokimligi, Sirdaryo viloyati favqulodda vaziyatlar boshqarmasi, Milliy gvardiya va qo'riqlash hamda maktabgacha va maktab ta'limi boshqarmasi bilan hamkorlikda "Beshta muhim tashabbus" doirasida Bahoriston mahallasida joylashgan 32-sonli umumta'lim maktabida ma'naviy-ma'rifiy targ'ibot tadbiri o'tkazildi.



Tadbirda yoshlarni harbiy-vatanparvarlik ruhida tarbiyalash, huquqiy va intellektual salohiyatini yanada oshirish maqsadida "Prokuror soati" hamda "Armiya va xalq birdamligi" shiori ostida yoshlarni Qurolli Kuchlar sohasiga qiziqishini oshirishga alohida e'tibor qaratildi.

Shuningdek, o'quvchi-yoshlar ishtirokida kamondan o'q otish, kurash, shashka, shaxmat, zakovat intellektual o'yinlari, "Yosh matematik", "Quvnoq startlar", "Ingliz tili bilimdoni" tanlovlari o'tkazildi. Shu bilan birga ushbu hududda joylashgan mahalladagi yosh oilalarni jalb qilgan holda "Yosh kitobxon oila" tanlovi ham tashkillashtirildi.

Tadbir davomida Milliy gvardiya mutaxassislari tomonidan jamoat xavfsizligi bilan bog'liq holatlar, favqulodda vaziyatlar boshqarmasi xodimlari yong'in va ularning oldini olish bo'yicha tushuntirishlar berishdi.

Adliya mayori Ne'matjon G'OFUROV,
Guliston harbiy prokurorining katta yordamchisi

INSON QALBIGA YO‘L

G‘amxo‘rlik har birimizning qalbimizdan chuqur o‘rin egallagan eng oliy qadriyatlarimizdan biridir. Hazrat Navoiyning shunday satrlari bor: “Kimki bir ko‘ngli buzuqning xotirin shod aylagay, Oncha borkim ka‘ba vayron bo‘lsa obod aylagay”. Darhaqiqat, bemorlar holidan xabar olib, ularning xasta ko‘ngillariga shirin so‘z ila malham bo‘lmoq savobli ishdir.



Yolg‘iz keksalar, bemorlar, kam ta‘minlangan, ehtiyojmandlar holidan xabar olish, ularga mehr va saxovat ko‘rsatish xalqimizga xos azaliy qadriyatlardan.

Yasharish va yangilanish, mehr-muruvvat, tinchlik va ezgulik ramzi – Navro‘z munosabati bilan Termiz davlat universiteti o‘zbek filologiyasi fakulteti tyutorlari dekan o‘rinbosari Hakim Ahmedov boshchiligida shahardagi A. Avloniy mahallasida istiqomat qiluvchi ijtimoiy himoyaga muhtoj 10 nafar onaxonning holidan xabar olib, ayyom bilan qutlab, o‘n xil turdagi oziq-ovqat mahsulotlaridan iborat bayram sovg‘alarini tuhfa etishdi.

Kunning ikkinchi yarmida Respublika ixtisoslashtirilgan onkologiya va radiologiya ilmiy-amaliy tibbiyot markazi viloyat filialida davolanayotgan xotin-qizlar holidan xabar olindi. Tashrif davomida markazda davolanayotgan ayollarga fakultet rahbariyatining bayram sovg‘alari topshirildi.

Jamshid NAZAROV,
Termiz davlat universiteti
o‘zbek filologiyasi fakulteti tyutori

NAVRO‘Z – XALQIMIZNING ENG QADIMIY VA FAYZLI BAYRAMI

Borliqdagi uyg‘onish, yangilanish va yasharish ozod va obod Vatanimizga boqiy bayram, qut-baraka, to‘kinlik va mehr-oqibat ramzi – Navro‘zi olam kelganidan darak beradi.



Zangiota tumanidagi harbiy shaharchada Mudofaa vazirligi Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari va aloqa harbiy instituti, maxsus avariya tiklash boshqarmasi hamda aloqachilar harbiy qismi, tuman ma‘naviyat va ma‘rifat bo‘linmasi hamkorligida harbiy xizmatchilar va ularning oila a‘zolari ishtirokida bayram shodiyonalari bo‘lib o‘tdi.

Harbiy qism va muassasa boshliqlari, oilalar bilan suhbatlashib, bayram bilan tabriklashdi.

Sumalak, palov va milliy taomlarimiz tayyorlanib, bayram dasturxoniga tortildi. O‘g‘il bolalar ko‘klam o‘yini – chillak, zuvillatlar va varraklar uchirishdi. Qoqiguldan boshiga chambaraklar taqib olgan qizlar qoshlariga o‘sma tortishdi. “Besh tosh”, “Mak-mak” va “Oq terakmi, ko‘k terak” o‘yinlari Navro‘z sayli qatnashchilarini xushnud etdi.

Harbiy shaharchadagi Navro‘z sayli xalqimizning qadimiy milliy qadriyatlarimizga bo‘lgan e‘tiborini yana bir bor namoyish etdi. Sayilda qatnashgan harbiy oilalar mana shunday ulkan shodiyonalarga yo‘l ochib bergan, elimizni taraqqiyotning yorqin yo‘liga olib chiqqan istiqolga shukronalar aytdilar.

Mayor Sherqo‘zi HAKIMOV,
Mudofaa vazirligi Axborot-kommunikatsiya
texnologiyalari va aloqa harbiy instituti

✓ SO‘RAGAN EDINGIZ

Savol: Kasaba uyushmasiga a‘zo bo‘lish majburiymi?

Sohibjon AHADOV
Jizzax viloyati

Javob: O‘zbekiston Respublikasi Konstitutsiyasining 59-moddasiga muvofiq, Kasaba uyushmalari xodimlarining ijtimoiy-iqtisodiy huquqlarini va manfaatlarini ifoda etadilar va himoya qiladilar. Kasaba uyushmalari tashkilotlariga a‘zo bo‘lish ixtiyoriy ekanligi ko‘rsatilgan.

O‘zbekiston Respublikasining “Kasaba uyushmalari to‘g‘risida”gi qonunining 7-moddasiga muvofiq, fuqarolar o‘z qonuniy manfaatlarini himoya qilish uchun o‘z tanloviga ko‘ra, ixtiyoriy ravishda Kasaba uyushmalarini tuzish, ularga a‘zo bo‘lish, Kasaba uyushmasi faoliyati bilan shug‘ullanish va Kasaba uyushmalariga a‘zolikdan chiqish huquqiga ega.

Fuqarolarning Kasaba uyushmalariga birlashishga bo‘lgan huquqini amalga oshirishga to‘sqinlik qilishga, shuningdek, ularni Kasaba uyushmasiga a‘zo bo‘lishga yoki a‘zolikdan chiqishga majburlashga yo‘l qo‘yilmaydi.

Savol: Dekret ta‘tiliga chiqqan ayol qancha muddatdan so‘ng ishga qaytishga haqli?

Shohsanam MIRZAYEVA
Andijon viloyati

Javob: O‘zbekiston Respublikasi Mehnat kodeksining 233-moddasiga muvofiq, homiladorlik va tug‘ish ta‘illari: Ayollarga tuqqunga qadar yetmish kalendar kun va tuqqanidan keyin ellik olti kalendar kun (*tug‘ish qiyin kechgan yoki ikki va undan ortiq bola tug‘ilgan hollarda yetmish kalendar kun*) muddati bilan homiladorlik va tug‘ish ta‘illari berilib, davlat ijtimoiy sug‘urtasi bo‘yicha nafaqa to‘lanadi.

Homiladorlik va tug‘ish ta‘ili jamlangan holda hisoblab chiqilib, tug‘ishga qadar amalda bunday ta‘tilning necha kunidan foydalanilganidan qat‘i nazar, ayolga to‘liq beriladi.

Mehnatga layoqatsizlik varaqalarini berish tartibi to‘g‘risidagi yo‘riqnomaning 28-bandiga ko‘ra, homiladorlikning o‘ttizinchi haftasidan ilgari tug‘ish holatlarida mehnatga layoqatsizlik varaqasi tug‘ruq muassasasi tomonidan bola tug‘ilgan kundan boshlab quyidagi muddatlarga beriladi.

- bola tirik tug‘ilganda (*bir yuz yigirma olti*) kalendar kun;
 - bola nobud yoki o‘lik tug‘ilganda (*yetmish*) kalendar kun.
- Shunga ko‘ra, jami 126 kun dekret ta‘tili beriladi.

Savol: Imtiyozli kredit asosida uy olgan harbiy xizmatchi xizmat vazifasini bajarish vaqtida halok bo‘lsa, uning zimmasidagi kreditlar qanday to‘lab beriladi?

Hasan ZOKIROV
Samarqand viloyati

Javob: O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2017-yil 11-avgustdagi 619-son qarori bilan tasdiqlangan “O‘zbekiston Respublikasi Qurolli Kuchlarining harbiy xizmatchilariga turarjoy sotib olish (*qurish*) uchun uzoq muddatli imtiyozli ipoteka kreditlari hamda yakka tartibda uy-joy qurish uchun yer uchastkalari berish tartibi to‘g‘risida”gi nizomning 17-bandiga asosan, harbiy xizmatchi halok bo‘lgan yoki u xizmat vazifalarini bajarishda og‘ir tana shikastlanishi oqibatida mehnat qobiliyatini yo‘qotganda qaytarilmagan kredit summasi va u bo‘yicha hisoblangan foizlar tegishli idora rahbarining qarori asosida byudjetdan tashqari mablag‘lar hisobidan qaytariladi.

Savollarga MV Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar departamenti yuridik bo‘limi boshlig‘i adliya leytenanti Nafisaxon SOLIYEVA javob berdi.

«ЭНГ ЖАНГОВАР ҚЎШИҚ»

ҒОЛИБЛАРИ ТАҚДИРЛАНДИ

Республика Маънавият ва маърифат маркази томонидан «Юксак жанговар руҳ аскарнинг енгилмас кучи, армиянинг қудратидир!» шиори остида ўтказилган «Қўшинлар мадҳияси», «Энг жанговар қўшиқ» ҳамда «Энг жанговар чақириқ ва шиор» танлови ғолибларини тақдирлаш маросими ўтказилди.

Унда ёзувчи ва шоирлар, олимлар, «Маърифат» тарғиботчилар жамияти аъзолари, ҳарбийлар, ҳаваскор ва профессионал ижодкорлар ҳамда ҳарбий таълим муассасалари курсант ва ўқувчилари иштирок этди.

Танловнинг республика босқичи жорий йилнинг январь ойида Қуролли Кучлар академиясида бўлиб ўтганди. Унда танловларнинг ҳудудий босқичида ғолиб бўлган жами 80 нафар иштирокчи қатнашган.

Ҳакамлар ҳайъатининг ҳулосасига кўра, «Энг жанговар қўшиқ» танловининг республика босқичи ғолиби сифатида Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандалари эътироф этилди. Шунингдек, «Қўшинлар мадҳияси» танловининг қатор йўналишларида ҳам бир нафардан иштирокчилар ғолибликни қўлга киритди. Жумладан, «Мотоўқчи қўшинлари» йўналишида Шарқий ҳарбий округдан III даражали сержант Ойбек Элчиев 1-ўрин, «Танкчилар қўшинлари» йўналишида Қуролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандаси III даражали сержант Шерзод Имомбердиев 1-ўрин, «Ҳаво-десант қўшинлари» йўналишида ансамбль хонандаси кичик сержант Акбар Файзиев 1-ўрин, «Артиллерия қўшинлари» йўналишида Шарқий ҳарбий округдан кичик сержант Қаюмжон Маҳкамов ва Марказий ҳарбий округдан КБХХ, оддий аскар Абборжон Назиров 1-ўрин, «Ҳарбий ҳаво кучлари» йўналишида Қу-



ролли Кучлар Марказий ашула ва рақс ансамбли хонандаси Умид Ҳайдаралиев 1-ўрин, «Разведка қўшинлари» йўналишида ансамблнинг яна бир хонандаси катта лейтенант Ақилбек Қоразбеков ва Шимоли-ғарбий ҳарбий округдан оддий аскар Бекзод Муродов 1-ўринни қўлга киритди.

Ғолиб ижрочилар сафида қўшиқ матни муаллифи ҳамда бастакорлари ҳам тақдирланди. Бу эса ижодкорлар меҳнатини муносиб ва тенг баҳолаш, уларни янгидан-янги ижод намуналари яратишга ундайди.

«Қўшинлар мадҳияси», «Энг жанговар қўшиқ» ҳамда «Энг жанговар чақириқ ва шиор» танловлари ўтказилиши ҳарбий хизматчилар, ижодкорлар қалбида адабиётга, санъатга меҳр орқали Ватанга муҳаббат, шарафли бурчга содиқлик, ёт ғояларга қарши курашиш руҳини оширишдек эзгу мақсадларни кўзлайди.

Шерзод ШАРИПОВ,
«Vatanparvar»

QUTLOV

ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИНИНГ ЯНА БИР АЪЗОСИ

Оиладаги ҳар бир кишининг ютуғи бутун хонадон аҳлини севинтиради. Ана шундай муқаддас масканга менгзаладиган ҳамкасбларнинг муваффақияти ҳам аслида барчамизнинг ютуғимиздир. Шу маънода мухтарам муштарийларимизни тахририятимиздаги яна бир қувончли хабар билан таништирмақчимиз.

Мудофаа вазирлиги Ахборот ва оммавий коммуникациялар департаменти «Ватанпарвар» бирлашган тахририяти муҳбири Инобат Иброҳимова яқиндагина Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий



Ушбу китобларга жамланган мўъжаз лавҳаларда инсон умрининг турфа манзаралари турли давр, турли ёш ва турли касб эгаларининг ҳаёти гўё қуроқ – мозаика шаклида намоён бўлади.

кутубхонасида адабиётшунос олимлар, ёзувчи ва шоирлар, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия қўшинларида хизмат қилаётган китобхон ҳарбий хизматчилар ҳамда кенг жамоатчилик вакиллари иштирокида «Чинни», «Қуёш қўшиғи» каби китобларининг тақдимоти ўтказилди.

Манзараларки, гоҳ фараҳбахш, гоҳ маъюс, гоҳ ўйчан. Бу манзараларни бирлаштириб, уларга тўқислик бағишлаб турадиган умумийлик барчамизга таниш ўзбекона турмуш, орамиздаги таниш одамлар. Бири ўзинизга ўхшаса, иккинчиси қўшнимизга ўхшайди, бошқаси ака-ука, опа-синглимиз, ота-онамиз, ҳамкасбларимизни эслатади.

Эса қоларли, ибратли, таъсирли воқеаларга бой ҳикоялари билан мухтарам тахририятимиз муштарийларининг кўнгилдан жой олган Инобат Иброҳимова яна бир эътирофни қўлга киритди. Адиба Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг аъзоси бўлди. Аъзолик гувоҳномасини Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, халқ шоири Сирожиддин Саййид тантанали тарзда топширди.

Ижодкор ҳамкасбимизни ва жамоамизни яна бир қувончли хабар билан муборакбод этамиз!


Ўз муҳбиримиз



@Vatanparvargazetasi_bot
“Vatanparvar” birlashgan tahririyati bilan bog'lanish uchun telegram bot

SHU SONNING
ELEKTRON SHAKLI



<p>VATANPARVAR</p> <p>MUASSIS</p>  <p>ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI MUDOFAA VAZIRLIGI</p> <p>www.mudofaa.uz</p>	<p>Tahririyat kengashi: general-mayor Hamdam Qarshiyev polkovnik Otabek Yuldashev polkovnik Alisher Boboxonov Maqsud Abilov</p> <p>Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va mualliflarga qaytarilmaydi. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.</p> <p>Gazeta Mudofaa vazirligi Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar departamenti – “Vatanparvar” birlashgan tahririyatining kompyuter markazida sahifalandi.</p>	<p>Bosh muharrir: podpolkovnik Ahror Ochilov</p> <p>ISSN 2010-5541</p> <p>Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 2008-yil 6-iyunda 0535 raqami bilan ro'yxatga olingan.</p> <p>Telefonlar: kotibiyat: 71 260-36-50 buxgalteriya: 71 260-35-20 yuridik bo'lim: 71 260-29-41 faks: 71 260-32-29</p>	<p>Navbatchi: katta leytenant Islomjon Qo'chqorov Sahifalovchi: Dilnoza Meliqo'ziyeva Musahhih: Mastura Qurbonova</p> <p>Buyurtma: Г-0305 Hajmi: 6 bosma taboq Bichimi: A3 Adadi: 35 507 nusxa Bosishga topshirish vaqti: 14:00 Topshirildi: 14:30</p> <p>Gazetaning yetkazib berilishi uchun obunani rasmiylashtirgan tashkilot javobgar. Gazetaning poligrafik jihatdan sifatli chop etilishiga “O'zbekiston” NMU mas'ul.</p>	<p>Gazeta juma kuni chiqadi. Gazeta 1992-yilning 24-iyunidan chiqq boshlagan.</p> <p>Nashr ko'rsatkichi: 114. Bahosi: kelishilgan narxda.</p> <p>“O'zbekiston” nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi. Bosmaxona manzili: Toshkent shahri, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.</p> <p>1 2 3 4 5 6</p> <p>Manzilimiz: 100164, Toshkent, Universitet ko'chasi, 1-uy.</p>
	<p>t.me/mv_vatanparvar_uz t.me/mudofaavazirligi</p> <p>www.mv-vatanparvar.uz www.mudofaa.uz</p> <p>mudofaavazirligi</p> <p>mudofaavazirligi</p> <p>www.youtube.com/c/UzArmiya</p>			